# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

қарорига *(2008 йил 21 майдаги ПҚ–872-сон)* мувофиқлаштирилмоқда.

## НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛДИ

**2008 йил 8 июлда Вазирлар Маҳкамасининг «Буғдой, ун, гуруч ва нон-булка маҳсулотларини олиб чиқиб кетиш ҳоллари устидан назоратни кучайтириш ва уларнинг олдини олишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 153-сон қарори қабул қилинди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).* Буғдой, ун, гуруч ва нон-булка маҳсулотларини олиб чиқиб кетиш устидан назоратни кучайтириш ва олдини олиш мақсадида Давлат божхона қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини олиб чиқиб кетишни тақиқлайдиган Президентнинг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ–1871-сон Фармони талабларининг сўзсиз бажарилиши устидан назоратни кучайтиришлари белгиланди. ДБҚга ИИВ ва Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси билан биргаликда буғдой, ун, гуруч, айниқса нон-булка маҳсулотларини олиб чиқиб кетиш ҳолларини бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан қаттиқ тезкор чора-тадбирлар кўриш ҳамда уларни олиб чиқиб кетиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича жойларда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳар ўн кунда Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериш топширилди.

## БЮДга ВАЛЮТА ҲИСОБВАРАҒИ КИРИТИЛДИ

**Давлат божхона қўмитасининг қарори билан *(2008 йил 7 июлда 834-18-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).* Чунончи, энди БЮДнинг «А» устунидаги бешинчи сатрда валюта ҳисобварағининг рақами ва банкнинг МФО кўрсатилиши керак (аввалги таҳрири: божхона тўловлари ЭАВда тўланганда валюта ҳисобварағининг рақами ва банкнинг МФО). Йўриқномага 2-илованинг иккинчи бўлими – «Товарларни олиб ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари» уч позиция билан тўлдирилди, Божхона постларининг классификатори (Йўриқномага 8-илова) эса янги таҳрирда баён этилган.

**2008 йил 17 июлдан кучга кирди.**

## БАНК БУХГАЛТЕРЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

**Марказий банк бошқарувининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома *(АВ томонидан 2008 йил 11 июлда 1834-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* тасдиқланди.** Йўриқномада берилган операцияларни амалга ошириш, расмийлаштириш, ҳисобини юритиш ва назорат қилиш тўғрисидаги талаблари барча банклар учун мажбурий бўлиб, унда банкларда бухгалтерия ҳисоби ишларини юритиш ва бухгалтерия аппаратини ташкил қилиш тамойиллари, мижозларга хизмат кўрсатиш ҳамда ҳужжатлар айланишини йўлга қўйиш усуллари тўғрисида кўрсатмалар берилган, банк операциялари ҳисобини юритиш ва уларни назорат қилиш қоидалари ҳамда бажарилган банк операцияларининг қонунийлиги бўйича жавобгарлик белгиланган.

**2008 йил 21 июлда кучга кирди.**

## БОЖ ТЎЛАНМАСДАН ОЛИБ КИРИШ ИККИ БАРАВАР ҚИСҚАРТИРИЛДИ

**Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг қўшма қарори *(АВ томонидан 2008 йил 11 июлда 1196-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** билан 2002 йил 28 декабрдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чегарадош давлатлар ҳудудидан шахсий фойдаланиш учун бож тўламасдан олиб кириладиган истеъмол товарларининг чекланган миқдорий нормаларини тасдиқлаш тўғрисида» 1196-сон қарорига ўзгартишлар киритилди. Энди жисмоний шахслар томонидан қўшни мамлакатлардан бир маротаба олиб кирилаётганда божхона тўловлари тўланмайдиган олиб кириладиган товарларнинг умумий суммаси 50 АҚШ долларини эмас, балки 25 АҚШ долларини ташкил этади.

**2008 йил 21 июлдан кучга кирди.**

## ИПОТЕКА УЧУН ТАРТИБ

**Марказий банк бошқаруви қарори *(АВ томонидан 2008 йил 12 июлда 1835-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Аҳолининг кенг қатламими, шу жумладан, ёш оилалар учун қурилган ёки реконструкция қилинган уй-жойларни харид қилиш учун ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).* Низом пудрат қурилиш ташкилотлари томонидан қурилган ёки реконструкцияси қилинган кўп қаватли уйдаги квартираларни тижорат банклари орқали аҳоли, шу жумладан, ёш оилаларга сотиш ҳамда уларни харид қилиш учун ипотека кредитлари бериш тартибини белгилайди. Доимий иш жойи ҳамда ўз фаолияти натижасидан олинадиган даромад ва бошқа расмий даромад манбаларига эга бўлган уй-жойга муҳтож ва тўловга қобилияти мавжуд оилаларни аниқлаш ва уларга имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш учун тавсиялар бериш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қошидаги ишчи гуруҳлар томонидан амалга оширилади. Корхона ва ташкилотлар уларда ишлаб турган ишчи гуруҳларининг тавсияларига эга бўлган ёш оила аъзолари ҳисобланадиган ходимлари ва бошқа ходимларига кўп қаватли уйдаги квартиралардан банк билан келишилган ҳолда, белгиланган тартибда олдиндан пул ўтказиш орқали сотиб олишлари ҳам мумкин.

**2008 йил 22 июлдан кучга кирди.**

## СОЛИҚҚА ТОРТИЛМАЙДИ

**Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2008 йил 17 июлда 1838-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Президентнинг 2008 йил 21 майдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–872-сон қарори билан берилган солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).* Чунончи, 2008 йил 1 июндан 2011 йилнинг 1 июнигача юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурталовчилар акциялари бўйича дивидендлар кўринишида олинган даромадлари юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлашдан озод қилинади; суғурталовчиларнинг дивидендлар ва фоизлар кўринишида олинган даромадлари эса юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлашдан озод қилинади ва солиқдан бўшаган маблағлар республика ҳудудларида, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида ҳудудий бўлинмаларни, кенг тармоқли агентлик тизимини ташкил қилиш, шунингдек, уларнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга мақсадли йўналтирилади.

Имтиёз даври мобайнида қуйидагилардан тўлов манбаидан солиқ ушланмайди: суғурталовчилар – юридик ва жисмоний шахсларга дивидендлар тўлаганда; юридик шахслар – суғурталовчиларга дивидендлар ва фоизлар тўлаганда. Мазкур даромадлар юридик (жумладан суғурталовчида) ва жисмоний шахсда – даромад олувчида ҳам солиққа тортилмайди.

**2008 йил 27 июлдан кучга кирди.**

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2008 йил 5 июлдан 25 июлгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 28, 29-30-сонлари асосида тайёрланди.***

***Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.***

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 29 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1256,61 | 1 Малайзия ринггити | 403,25 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2617,53 | 1 Польша злотийси | 646,36 |
| 1 Дания кронаси | 277,26 | 1 СДР | 2143,62 |
| 1 БАА дирҳами | 358,14 | 1 Туркия лираси | 1089,64 |
| 1 АҚШ доллари | 1315,41 | 1 Швейцария франки | 1271,05 |
| 1 Миср фунти | 248,31 | 1 ЕВРО | 2068,09 |
| 1 Исландия кронаси | 16,12 | 10 Жанубий Корея вони | 13,08 |
| 1 Канада доллари | 1291,39 | 10 Япония иенаси | 122,02 |
| 1 Хитой юани | 192,69 | 1 Россия рубли | 56,32 |
| | | 1 Украина гривнаси | 271,62 |

***) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 30.07.2008 | 1 | 0,809 | 1 | 1,2612 | 1 | 0,0345 |
| Арманистон | 30.07.2008 | 1 | 301,03 | 1 | 469,49 | 1 | 12,85 |
| Беларусь | 31.07.2008 | 1 | 2114,00 | 1 | 3297,95 | 1 | 90,17 |
| Грузия | 30.07.2008 | 1 | 1,405 | 1 | 2,212 | 1 | 0,0602 |
| Қозоғистон | 31.07.2008 | 1 | 120,19 | 1 | 187,46 | 1 | 5,13 |
| Қирғизистон | 26.07.2008 | 1 | 35,1368 | 1 | 55,156 | 1 | 1,5043 |
| Латвия | 31.07.2008 | 1 | 0,451 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0192 |
| Литва | 31.07.2008 | 1 | 2,2154 | 1 | 3,4528 | 10 | 9,4509 |
| Молдова | 30.07.2008 | 1 | 9,7171 | 1 | 15,2854 | 1 | 0,4164 |
| Тожикистон | 30.07.2008 | 1 | 3,4289 | 1 | 5,3991 | 10 | 1,4699 |
| Ўзбекистон | 29.07.2008 | 1 | 1315,41 | 1 | 2068,09 | 1 | 56,32 |
| Украина | 30.07.2008 | 100 | 484,48 | 100 | 760,8758 | 10 | 2,0768 |
| Эстония | 30.07.2008 | 1 | 10,0299 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,428062 |

***Манба: www.prime-tass.ru***

РЕКЛАМА

pr_67

Хизматлар лицензияланган

STS LOGISTICS

SOLUTIONS TO SATISFACTION

МДҲ мамлакатлари бўйлаб, Европа, Америка, Япония ва Хитойда

30 дан зиёд офис ва 300 агент

– транспортнинг барча турларида юк ташиш
– юкларни "эшикдан эшиккача" етказиб бериш
– импорт ва экспорт юкларининг божхона расмийлаштируви

Тел.: 120-77-66, 120-77-89, 120-77-91, 120-77-92. E-mail: ststas@stslogistics.net, www.stslogistics.net

УШБУ СОНДА:

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

– Валюталар курси *1-2-бетлар*

✓ БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР

– Тадбиркор ўз солиғига эга

– Агар сиз «бошқалар» сирасига кирсангиз

– Табақалаштиринг

– Алоҳида-алоҳида ҳисобланг

– Ўн кишидан оширманг

– От кучидан келиб чиқилади *3-бет*

✓ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

– Жамғарувчи билишни хоҳлайди

– Устама ҳақ учун асос йўқ *4-бет*

✓ ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ

– Экспертиза ҳаммасини кўрсатади

– Қонунбузарлик фош этилди *5-бет*

✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Касаба уюшмаси – 1 фоизлик бадал тўлашгина эмас *6-бет*

✓ ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори**

– «2008-2010 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида».

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

– «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида». *7-18-бетлар*

✓ БИЗНЕС-ПАНОРАМА *19-24-бетлар*

# ЯККА ТАДБИРКОР ЎЗ СОЛИҒИГА ЭГА

**?** ***Мен якка тартибдаги тадбиркорман. Мебель ишлаб чиқараман. Қатъий белгиланган солиқ тўлайман. Яна қандай солиқларни ва қандай миқдорда тўлашим керак? Яъни акциз солиғи ва оборотдан 8% – даромад солиғини тўлашим керакми?***

– Солиқ кодексининг (*бундан кейин – СК*) 373-моддасига кўра якка тартибдаги тадбиркорлар якка тартибдаги тадбиркорликни амалга ошириш доирасида қатъий белгиланган солиқ тўлаш билан бир қаторда қуйидагиларни тўлайдилар:

1) божхона тўловлари (ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш чоғида);

2) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар (фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш чоғида);

3) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ – сув ресурсларидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилганда;

4) акциз солиғи – акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарилганда;

5) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;

6) давлат божи (уни тўлаш талаб қилинадиган ҳаракатлар содир этилганда);

7) автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинча олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига йиғим;

8) жисмоний шахслар мол-мулкидан олинадиган солиқ – солиқ солинадиган мол-мулк мавжуд бўлганда;

9) жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи – ер участкаси мавжуд бўлганда.

2008 йил учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари Президентнинг 2007 йил 12 декабрдан ПҚ-744-сон қарори* билан белгиланган.

Жисмоний шахсларнинг якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятидан олинган, қатъий белгиланган солиқ солинадиган даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг солиқ солиш объекти бўлмайди *(СК 169-моддаси)*.

Якка тартибдаги тадбиркорлар Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўловчи ҳисобланадилар, ушбу бадаллар ойига энг кам иш ҳақи миқдорининг бир бараваридан кам бўлиши мумкин эмас *(СК 311-моддаси)*.

2008 йил 1 январдан мебель акцизли маҳсулот ҳисобланмайди *(2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарорга* 12-1-илова)*. Бинобарин, сиз ўзингиз ишлаб чиқараётган мебелни реализация қилишда акциз солиғи тўлашингиз керак эмас.

8%лик ставка – ялпи тушумдан тўланадиган ставка, у ягона солиқ тўловини тўловчи юридик шахслар учун белгиланган. Якка тартибдаги тадбиркорлар бундай шахслар ҳисобланмайди, шу боис уни тўламасликлари керак.

# АЛОҲИДА-АЛОҲИДА ҲИСОБЛАНГ

**?** ***Ягона солиқ тўлови тўловчиси бўлган бизнинг «Жунго» ҚК ишлаб чиқариш-савдо фаолияти билан шуғулланади. Мазкур чоракда биз хориждан олиб келинган товарни сотмоқчимиз. Бунда ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини қандай қилиб тўғри амалга оширишимиз лозим ва унинг ставкаси қанча бўлади?***

**Хе Шу Ли,**
**директор.**

– Ягона солиқ тўловини ҳисоблаш объекти бўлиб, қўшилган қиймат солиғи чегирилган ҳолда, ялпи тушум – товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан олинган тушум ҳисобланади (ҚҚС тўловчилар учун) *(Солиқ кодексининг 355-моддаси, бундан кейин – СК)*. Савдо корхоналари учун реализациядан олинган тушум деганда товар обороти тушунилади.

Хориждан олиб келинган товарни реализация қилганингизда товар оборотидан белгиланган ставка бўйича ягона солиқ тўловини тўлашингиз керак. 2008 йил учун савдо корхоналарига ЯСТнинг қуйидаги ставкалари белгиланган *(Президентнинг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарорига* 9-1-илова)*:

| *N* | *Тўловчилар* | *Солиқ солинадиган базага нисбатан солиқ ставкалари, %да* |
|---|---|---|
| 2 | Қуйидаги жойларда жойлашган чакана савдо корхоналари (улгуржи ва чакана дорихона ташкилотларидан ташқари): | |
| | аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп бўлган шаҳарларда | 4 |
| | бошқа аҳоли пунктларида | 2 |
| | бориш қийин бўлган ва тоғлик ҳудудларда | 1 |
| 3 | Улгуржи савдо корхоналари (улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари, Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирувчи республика ихтисослашган улгуржи база-конторалари ва уларнинг ҳудудий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базаларидан ташқари) | 5 |

Сиз савдо фаолиятидан ташқари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётганлигингиз боис, улар бўйича солиқ солишнинг турли объектлари ва ЯСТ ставкалари белгиланган, СК 353-моддасига мувофиқ фаолиятнинг ушбу турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишингиз ва тўловчиларнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўлови тўлашингиз керак.

# АГАР СИЗ «БОШҚАЛАР» СИРАСИГА КИРСАНГИЗ

**?** ***Корхонамиз Тошкент вилоятининг Зангиота туманида чакана савдо билан шуғулланади ва автомашиналарни таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича аҳолига пулли хизматлар кўрсатади, ягона солиқ тўловини қандай ставка бўйича тўлашимиз кераклигини айтиб берсангиз.***

**МЧЖ бош бухгалтери.**

– Турли солиқ солиш объектлари ва (ёки) ягона солиқ тўлови ставкалари белгиланган бир неча фаолият турлари билан шуғулланадиган ягона солиқ тўловини тўловчилар шу фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ҳамда солиқ тўловчиларнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини тўлашлари керак *(Солиқ кодексининг 353-моддаси)*.

2008 йил учун ягона солиқ тўлови ставкалари Президентнинг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарорига* 9, 9-1, 9-2-иловаларда белгиланган. Чунончи, автомашиналарни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятидан олинган тушумингиздан ЯСТ 8%лик ставка бўйича тўланиши керак *(9-илова)*.

Чакана савдо корхоналари учун субъектларнинг жойлашиш жойига қараб ЯСТнинг қуйидаги табақалаштирилган ставкалари белгиланган *(9-1-илова)*:

– аҳолисининг сони 100 минг киши ва ундан кўп бўлган шаҳарлар – товар оборотининг 4%и;

– бошқа аҳоли пунктлари – товар оборотининг 2%и;

– бориш қийин бўлган ва тоғлик ҳудудлар – товар оборотининг 1%и.

Шу тариқа, корхонангиз автомашиналарни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича кўрсатилган хизматлардан олинган тушумдан 8%лик ставка бўйича, савдо фаолияти бўйича – 2%лик ставка бўйича ЯСТ тўлаши керак.

---

** Президентнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» қарори.*

# ТАБАҚАЛАШТИРИНГ

**?** ***Корхонамиз Фарғона шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтказилган (ХХТУТ коди 71150 – бошқа улгуржи савдо). Спиртли ичимликлар чакана савдоси билан шуғулланяпмиз. Вилоят шаҳарлари ва туманларида 16 савдо шохобчамиз мавжуд. Шундан 5 таси Фарғона шаҳрида (100 минг кишидан кўп аҳолиси бор), 10 таси туман марказларида (бошқа аҳоли пунктлари) ва 1 таси Фарғона туманининг Шоҳимардон қишлоғида (тоғлик ҳудуд).***

***Корхонамиз ягона солиқ тўловини қандай тўлаши керак – алоҳида ҳисоб юритган ҳолда савдо шохобчалари жойлашган ҳар бир ҳудуд учун белгиланган ставкалар бўйичами ёки корхонамиз рўйхатдан ўтказилган Фарғона шаҳри учун белгиланган ставка бўйичами?***

**Б.Пайғомов,**
**«Осиёшаробсавдо» унитар корхонаси раҳбари.**

– Мустақил юридик шахс бўлиб ҳисобланмайдиган бир нечта савдо шохобчасига эга бўлган чакана савдо корхоналари алоҳида ҳисоб юритишлари ва ушбу шохобчалар жойлашган ерга боғлиқ ҳолда белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини тўлашлари керак *(Президентнинг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарорига* 9-1-илова)*.

***Мисол.*** *Спиртли ичимликларни сотишдан олинган ялпи тушум 13 млн сўмни, шу жумладан Фарғона шаҳрида 9 млн сўмни, аҳолиси сони 100 минг кишидан кам бўлган бошқа аҳоли пунктларида 3,7 млн сўмни, тоғлик қишлоқда 0,3 млн сўмни ташкил қилган.*

*Ягона солиқ тўлови мазкур вазиятда жами 437 минг сўмни, шу жумладан Фарғонада 360 минг сўмни (9 000 минг x 4%), аҳоли пунктларида 74 минг сўмни (3 700 минг x 2%), тоғлик қишлоқда 3 минг сўмни (300 000 x 1%) ташкил қилади.*

Бунда бошқа даромадларга корхоналарни рўйхатдан ўтказиш жойида белгиланган ягона солиқ тўлови ставкаси бўйича солиқ солинади. Бошқа даромадлар рўйхати Солиқ кодексининг 132-моддасида келтирилган.

## Менда таклиф бор

# ОТ КУЧИДАН КЕЛИБ ЧИҚИЛАДИ

**?** ***Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларда хизмат енгил автотранспортидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида» қарори (1999 йил 2 апрелдаги 154-сон) 4-бандига биноан бир ой учун компенсациянинг чегараланган миқдорлари белгиланган.***

| *Автомобиль русуми* | *Бир ой учун компенсациянинг чегараланган миқдори, энг кам иш ҳақи бараварида* |
|---|---|
| ГАЗ-24, 31 | 6 |
| ВАЗ, «Нексия», «Москвич» | 5 |
| «Тико» | 3 |
| Бошқа хорижий русумлар | 4 |

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда енгил автомобилларнинг 7 тури ишлаб чиқариляпти ва замонавий русумли автомобилларнинг қатори кенгаймоқда. Юқорида келтирилган меъёрлар қўлланганида бухгалтер ходим автотранспортидан фойдаланганлик учун компенсация тўловларининг аниқ меъёрларини аниқлаш муаммосига тўқнаш келади. Мисол учун, «Матиз» русумли автомобиль корхонанинг хизмат вазифаларини бажариш учун жуда қулай. Бироқ мазкур русумга нисбатан қандай меъёрни қўллаш мумкин деган саволга жавоб олиш мушкул. Айрим мутахассислар уни «Нексия», бошқалар эса «Тико»га тенглаштирадилар. Бироқ агар қувватига ёки ушбу автомобилларни тутиб туриш харажатларига қараб баҳо берилса, «Матиз»ни у ёки бу русумга киритиш қийин.

Бошқа мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, компенсация тўловларининг меъёрлари автотранспорт воситасининг қувватига боғлиқдир. Техник тавсифлар мавжуд бўлганда, бухгалтерия ходими компенсация миқдорини осонлик билан белгилайди. Компенсация суммасини белгилашнинг бундай услубиятида узун рўйхат тузиш ва автомобиллар парки янгиланиши муносабати билан уни доимо қайта кўриб чиқишга зарурат бўлмайди.

Баён этилганларни ҳисобга олиб, ходим автотранспортидан хизмат мақсадларида фойдаланганлик учун компенсация тўловлари меъёрларини аниқлаш чоғида муаммоларни бартараф этиш учун республикамизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар русумларини ҳисобга олган ҳолда амалдаги меъёрларни қайта кўриб чиқиш ёки автомобилнинг техник тавсифларига боғлиқ ҳолда компенсация тўловлари миқдорини белгилашга ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлайман.

***Муҳиддин ЗАЙНУТДИНОВ,***
***эксперт, Солиқ маслаҳатчилари палатасининг аъзоси.***

# ЎН КИШИДАН ОШИРМАНГ

**?** ***Хусусий корхонамиз суғурта шуъба корхонаси ҳисобланади. Биз фақат суғурта хизматларини кўрсатамиз. 2008 йил 1 январдан бошлаб умумбелгиланган солиқлардан ягона солиқ тўловини тўлашга ўтдик. Корхонада штат бўйича 3 киши ишлайди. Бундан ташқари, агентлик битими шартномаси бўйича ҳар ойда ўртача 15-20 киши ишлайди. Ягона солиқ тўловини тўловчи сифатида корхонамиз ходимларининг сони қанча бўлиши керак?***

**Т.Ниёзмуродов.**

– Кичик бизнес субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотларнинг фаолият тури кодлари ҳамда ходимларининг чегараланган миқдори кўрсатилган таснифи Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги 439-сони билан тасдиқланган. Нодавлат суғурта соҳасида банд бўлган кичик тадбиркорлик субъектларига (фаолият тури коди – 96220) ходимларининг ўртача йиллик сони **10 кишидан кўп бўлмаган** микрофирмалар киради.

Бунда шуни таъкидлаш лозимки, Президентнинг 2003 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-1897-сон Фармонига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ПФ-3305-сон Фармони 1-бандига биноан ушбу кичик корхоналар учун ходимлар сони назарда тутилмаган. Бинобарин, солиқ солиш мақсадида суғурта компаниялари микрофирмалар учун белгиланган ходимлар сонига амал қилишлари керак.

Ходимларнинг ўртача йиллик сонини аниқлашда ўриндошлик, пудрат шартномалари ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги бошқа шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ходимлар, шунингдек унитар (шуъба) корхоналар, филиаллар ва ваколатхоналарда ишловчилар ҳисобга олинади *(Солиқ кодексининг 350-моддаси)*.

Ходимларнинг ўртача йиллик сони Ёлланиб ишлайдиганларнинг сони ва иш ҳақи статистикаси бўйича йўриқнома *(АВ томонидан 1999 йил 30 июлда 788-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* қоидаларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилади. Унинг 2.10-бандига кўра бир йил учун ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони ҳисобот йилининг барча ойлари учун ходимларнинг ўртача ойлик сонини қўшиш ва олинган суммани 12 га бўлиш йўли билан аниқланади.

***Мисол.*** *Корхона ойлар бўйича ходимларнинг қуйидаги ўртача ойлик сонига эга:*

| *Ойлар* | *Ходимлар сони* | | *Ўртача ойлик миқдор* |
|---|---|---|---|
| | *меҳнат шартномалари бўйича* | *фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича* | |
| Январь | 3 | 18 | 21 |
| Февраль | 3 | 20 | 23 |
| Март | 3 | 15 | 18 |
| Апрель | 3 | 20 | 23 |
| Май | 3 | 17 | 20 |
| Июнь | 3 | 18 | 21 |
| Июль | 3 | 15 | 18 |
| Август | 3 | 20 | 23 |
| Сентябрь | 3 | 16 | 19 |
| Октябрь | 3 | 18 | 21 |
| Ноябрь | 3 | 20 | 23 |
| Декабрь | 3 | 20 | 23 |
| **Жами:** | **36** | **217** | **253** |

*Ходимларнинг ўртача йиллик сони 21 кишини ташкил қилади (253:12).*

*Ягона солиқ тўловини тўлаш ҳуқуқига эга бўлиш учун сиз йил якунлари бўйича ходимларнинг ўртача ойлик сони 10 кишидан кўп бўлмаслигини таъминлашингиз керак бўлади.*

*Тушунтиришлар «Norma Ekspert» гуруҳи экспертлари томонидан тайёрланди.*

***Халқ банки бошқарувининг раис ўринбосари Худойназар ҚУРБОНОВнинг газетхонларимиз саволларига жавоблари чоп этилганидан кейин** («Норма маслаҳатчи» газетасининг 2008 йил 30 майдаги 22-23 (151-152)-сони 7 саҳифасига қаралсин) **таҳририятимизга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини юритишнинг баъзи жиҳатларини аниқлаштириш илтимоси билан яна бир нечта хат келди. Уларнинг иккитасига юристимиз Мария ТУХТАРОВА жавоб бермоқда, қолганлари тегишли идораларнинг мутахассисларига юборилди.***

# ЖАМҒАРУВЧИ БИЛИШНИ ХОҲЛАЙДИ

**?**

***Турмушга чиққаним сабабли фамилиямни ўзгартирдим. Менинг қизликдаги фамилиям кўрсатилган жамғариб борилувчи пенсия дафтарчамни ўзгартиришим керакми?***

**Ш.Ҳасанова.**
**Тошкент ш.**

– Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини ўзгартириш керак эмас. Бироқ Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисида низомнинг *(Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги 595-сон қарорига 1-илова)* 13-бандига биноан жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи уни ҳисобга олиш пайтидаги фамилияси, исми ёки отасининг исми, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг ҳисобга олиш пайтида мавжуд бўлган паспортининг серияси ва рақами ўзгарганда шахсий ҳисобга олиш маълумотларига **тегишли қўшимчалар киритилади**[1]. Бунда фуқаролар *(Низомнинг 26-банди)* – жамғариб бориладиган пенсия таъминоти қатнашчилари ўзининг ШЖБПҲ ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасидаги мавжуд маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида иш берувчига ёки бевосита Халқ банки филиалига хабар қилишлари шарт.

х х х

**?**

***Мен пенсиядаман, лекин ишлашни давом эттиряпман. Жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағимда 100 минг сўмдан кўп маблағ йиғилиб қолди. Январда ўз ШЖБПҲимдан бу пулларни олмоқчи бўлдим, лекин яшаш жойимдаги Халқ банки филиалида нима учун бундай қила олмаслигимни аниқ тушунтириб бера олмадилар. Балки, ҳурматли газетамиз ишлаётган пенсионер ўзининг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан маблағларни қандай қилиб олиши мумкинлигини тушунтирар?***

**И.Харитонова.**
**Тошкент ш.**

– «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга *(2004 йил 2 декабрдаги 702-II-сон, бундан кейин – Қонун)* ҳамда Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағларни тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг *(Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги 595-сон қарорига 3-илова, бундан кейин – Низом)* 2-бандига биноан жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этадиган фуқаролар **давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келганда** ШЖБПҲдан жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Агар сиз пенсионер бўлсангиз, ишлашни давом эттиришингиз ёки эттирмаслигингиздан қатъи назар, кўрсатилган маблағларни олиш ҳуқуқига эгасиз.

Низомнинг 4-бандига кўра ШЖБПҲдан жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш учун фуқаролар ўзлари яшаб турган жойдаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома *(бундан кейин – Гувоҳнома)* берилиши хусусида ариза билан мурожаат қилишлари керак. Қонуннинг 18-моддасига биноан меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқаролар бундай аризани иш берувчи орқали топширадилар. Сизнинг ҳолатингизда аризага ўз жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси ва пенсия гувоҳномасинигина илова қилишингиз даркор (бошқа ҳужжатлар талаб қилинмайди!). Уларни қабул қилиб олгач, туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими аризада кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини текширади. **Ариза давлат пенсиясига доир ҳуқуқ вужудга келганидан кейин исталган вақтда, бирор-бир муддат билан чекламасдан, берилиши мумкин.** Ижтимоий таъминот бўлими ариза олинган ва **рўйхатдан ўтказилган** санадан бошлаб уч иш куни мобайнида Гувоҳнома беради ва уни жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг яшаш жойидаги Халқ банки филиалига юборади.

Кейинги қадам – банк билан жамғариб бориладиган пенсия маблағларини тўлашга шартнома тузиш. У яшаш жойидаги Халқ банки филиали билан ижтимоий таъминот бўлими томонидан банкка юборилган Гувоҳнома ва олувчи шахсан тақдим этадиган жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси асосида тузилади. Бундай шартноманинг шакли Низомга доир 3-иловада келтирилган. У икки нусхада тўлдирилади ва бир томондан жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи томонидан, бошқа томондан эса – Халқ банки филиалининг раҳбари томонидан имзоланади. Бир нусхаси пенсия тўловларини олувчига берилади, иккинчиси Халқ банки филиалида қолади.

Шартнома тузилаётганида Халқ банки филиали олувчига унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ҳамда жамғариладиган пенсия тўловларини олишнинг қонун билан белгиланган тартибини батафсил тушунтириши шарт. Сиз барча суммани бир вақтнинг ўзида ёки қисмларга бўлиб олиш ҳуқуқига эгалигингизни ёдда тутинг. Қисмларга бўлиб тўлашда ШЖБПҲга қайд этилган жамғармалар суммаси миқдорини сиз мустақил равишда белгилайдиган ойлар сонига бўлинади.

*[1]Ушбу қўшимчалар банк маълумотларининг ягона электрон базасига киритилади. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси йўқолганда (йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келтирилганда) унда келтирилган маълумотлар асосида пенсия дафтарчаси дубликати берилади (Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси тўғрисида низомнинг 17-банди, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги 595-сон қарорига 4-илова).*

# УСТАМА ҲАҚ УЧУН АСОС ЙЎҚ

**?**

***1982 йилдан 1996 йилгача корхонамиз космик ва ракета қўшинлари қисмларида, шу жумладан Бойқўнирда ишлар бажарган. Бир йилда 8 ой хизмат сафарларида бўлардик. 1,2 ва 1,5 миқдорида туман коэффициентлари тўлашарди.***

***Ана шу ишлар учун 1986 йил августида III даражали Меҳнат шуҳрати ордени ҳамда радио саноати вазирлигидан туман партия қўмитасига қадар идораларнинг турли ёрлиқлари билан мукофотланганман.***

***Пенсия ёшига етганлигим муносабати билан пенсияга устама ҳақ даъво қила оламанми?***

**А.Фёдоров.**

– Пенсияларга доир имтиёзлар ва устама ҳақлар бериш тартиби асосан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги *Қонун (1993 йил 3 сентябрдаги 938-XII-сон, бундан кейин 938-XII-сон Қонун)* билан тартибга солинади. Унинг 28-моддасида пенсияларга қуйидаги устама ҳақлар назарда тутилган:

а) I гуруҳ уруш ногиронларига – энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоизи;

б) II гуруҳ уруш ногиронларига – 125%;

в) III гуруҳ уруш ногиронларига – 75%;

г) кўзи ожизлик бўйича I гуруҳ ногиронларига – 100%;

д) I гуруҳ ногиронларига – 75%;

е) II гуруҳ ёлғиз ногиронларига – 50%;

ж) уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга – 50%;

з) Улуғ Ватан уруши йилларида мамлакат ичкарисида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятни бажарган шахсларга – 30%;

и) вафоти ҳарбий хизмат бурчларини бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва хотинларига (янги никоҳдан ўтмаганларга) – 30%;

к) Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга – хизматларига қараб 100%дан 150%гача;

л) ёшидан қатъи назар имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган артистларга – 75%;

м) театр-концерт ташкилотларининг артист ва бадиий ходимларига, театр ва мусиқа санъати ижодий ходимларини тайёрловчи ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари таркиби ва концертмейстерларига, Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган рўйхат бўйича – 50%.

Кўрганингиздек, сиз келтирган далиллар (шу жумладан Бойқўнирдаги космик ва ракета қўшинлари қисмларида ишлар бажарилиши, бир йилда 8 ой хизмат сафарларида бўлиш ва ҳоказо) пенсияга устама ҳақ тайинлаш учун асослар рўйхатига кирмайди.

Агар сизнинг ишингиз имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларига *(Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган)* кирса, сиз ёшдан қатъи назар, талаб қилинадиган умумий ва махсус иш стажи мавжуд бўлса, ишингизнинг ўзига хос жиҳатларига боғлиқ ҳолда, умумбелгиланган ёшни 10 ёки 5 йилга камайтириб, пенсия тайинланиш ҳуқуқига эгасиз.

938-XII-сон Қонуннинг 33-моддасига биноан ишловчиларнинг иш ҳақига минтақавий коэффициент белгиланган ҳудудларда яшовчи шахслар ва оилаларга пенсия тайинлашда минтақавий коэффициент эътиборга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амалдаги иш ҳақи ҳисобга олинади. Яъни ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоблаб чиқилаётганида (агар сиз бунинг учун айни Бойқўнирда ишланган беш йилни танласангиз) ушбу коэффициентлар ҳам ҳисобга олинади. Бироқ Қонунга кўра пенсия ҳисоблаб чиқилиши учун ЭКИҲнинг 8 бараваридан ошмайдиган иш ҳақи олинишини унутмаслик керак.

Мукофотларга келсак, 938-XII-сон Қонун 28-моддасининг «к» банди Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахслар пенсияларига хизматларига қараб ЭКИҲнинг 100 фоизидан 150 фоизгача устама ҳақлар назарда тутилади. Республикамиз олдидаги алоҳида хизматлари учун шахсларнинг мукофотланишини тартибга солувчи асосий ҳужжат бўлиб «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонун *(1995 йил 22 декабрдаги 176-I-сон, бундан кейин – 176-I-сон Қонун)* ҳисобланади. Унда айтилишича, бундай мукофотлар билан тақдирлашни Ўзбекистон Республикасининг Президенти амалга оширади *(176-I-сон Қонуннинг 4-моддаси)*. Давлат мукофотларига қуйидагилар киради: «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари, фахрий унвонлари ва фахрий ёрлиғи *(176-I-сон Қонуннинг 2-моддаси)*. Меҳнат шуҳрати орденлари, шунингдек СССР мавжуд бўлган вақтда олинган ёрлиқлар 176-I-сон Қонуннинг 11-моддасида[1] давлат олдидаги алоҳида хизматлар учун тақдирлаш белгиси сифатида берилган орденлар рўйхатида келтирилмаган, бинобарин, пенсияга устама ҳақлар олиш учун асослар ҳам мавжуд эмас.

***Мария ТУХТАРОВА,***
***«Norma» МЧЖ юристи.***

*[1]Қуйидаги орденлар Ўзбекистон Республикасининг орденлари ҳисобланади: «Мустақиллик»; «Амир Темур»; «Жалолиддин Мангуберди»; «Буюк хизматлари учун»; «Эл-юрт ҳурмати»; «Фидокорона хизматлари учун»; «Меҳнат шуҳрати»; I ва II даражали «Соғлом авлод учун»; I ва II даражали «Шон-шараф»; «Дўстлик».*

ЯНГИЛАНУВЧИ ҚЎЛЛАНМАЛАР

NORMA
иқтисодий-ҳуқуқий нашриёт

Қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилдими? Янги Солиқ кодекси чиқдими?? Буларнинг ҳаммасини қандай ҳисобга олиш мумкин???

ҚЎЛ ОСТИНГИЗДА ҚЎЛЛАНМАЛАРИМИЗ БЎЛСА, БУ МУАММО ЭМАС



"АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ"

1 жилд – 800 саҳифа – 500 дан ортиқ вазият ва мисоллар



"АМАЛИЙ СОЛИҚ СОЛИШ"

2 жилд 800 саҳифадан – 1 000 дан ортиқ мисоллар ва амалий маслаҳатлар

12 ой давомида 6 та янгилаш

• Тушунтиришлар
• Шарҳлар
• Тавсиялар

Қўшимча ахборот учун телефонлар:
244-89-17, 244-44-29,
244-18-99

# ЭКСПЕРТИЗА ҲАММАСИНИ КЎРСАТАДИ

***Ишни хўжалик судларида кўриш чоғида тушунтирилиши махсус билимларни талаб қиладиган масалалар тез-тез юзага келиб туради. Бундай ҳолларда судьялар ўз ташаббуси билан ёки иш иштирокчиларининг илтимосномасига кўра муҳокамани тўхтатиш ва суд экспертизасини тайинлашга ҳақлидир.***

## УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида даъво аризаси келиб тушган кундан бошлаб ўн кун мобайнида судья бажариши керак бўлган, низони тўғри ва ўз вақтида ҳал қилишга йўналтирилган ҳаракатлар сирасига экспертиза тайинлаш масаласини кўриб чиқиш ҳам киради *(1997 йил 30 августдаги 478-I-сон Хўжалик процессуал кодексининг, бундан кейин – ХПК, 122-моддаси).* Ишда иштирок этувчи шахслар ҳам уни тайинлаш тўғрисида илтимос қила оладилар *(ХПК 67-моддаси).*

Эксперт хулосаси талаб қилиниши мумкин бўлган масалалар доираси анча кенг. Ишда иштирок этувчи шахслар судга, уларнинг фикрича, экспертиза тушунтириб бериши керак бўлган саволларни тақдим этишга ҳақлилар. Масалан, муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар бузилганлиги тўғрисидаги ишлар кўрилаётганида суд экспертига тушунтириш бериши учун тахминан қуйидаги саволлар берилиши мумкин:

- монографияда (мақола, рисола ёки бошқа нашр ёхуд веб-сайтда) жойлаштирилган матнли материал муаллифлик ҳуқуқлари ____________ га тегишли бўлган «________» адабий асарнинг тўлиқ ёки қисман такрор берилиши эмасми;
- газета (журнал, бошқа нашр, веб-сайт) саҳифасида жойлаштирилган тасвир муаллифлик ҳуқуқлари ______________ га тегишли бўлган «____________» фотографик асарнинг такрор берилиши эмасми;
- эшиттириш ташкилотининг трансляция қилинган ____________ эшиттиришида унга доир турдош ҳуқуқлар _________ га тегишли бўлган ижро, фонограмма намойиш этилдими.

Суд экспертиза тайинлаш тўғрисида ажрим чиқаради.

## ЭКСПЕРТНИ ТАНЛАЙМИЗ

ХПК 47-моддасига кўра хулоса бериш учун махсус билимга эга бўлган шахс хўжалик судида эксперт сифатида иштирок этиши мумкин. Экспертиза ўтказиш бир неча экспертга ҳам топширилиши мумкин. Даъвогар ва жавобгар номзодларни мустақил равишда таклиф эта оладилар. Одатда тамомил қуйидагича бўлади. Тарафларнинг ҳар бири бир неча номзодни таклиф қилади. Бироқ охирги сўзни судья айтади. Иш иштирокчилари томонидан таклиф қилинган шахслар рад қилинишини суд асослаб бериши шарт.

Тарафлар экспертни мустақил танлаш пайтида, шунингдек унинг суд томонидан тайинланиши пайтида шуни эътиборда тутишлари лозимки, ХПК 18-моддасига мувофиқ эксперт қуйидаги асосларга кўра ишни кўришда иштирок эта олмайди ва у рад этилиши керак:

- ишда иштирок этаётган шахслар ёки улар вакилларининг қариндоши бўлса;
- ишнинг якунидан шахсан, бевосита ёки билвосита, манфаатдор бўлса ёки унинг холислиги хусусида шубҳа уйғотадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса;
- у ишда иштирок этувчи шахслар ёки уларнинг вакилларига ишни кўриш пайтида ёки ўтмишда хизмат вазифаси юзасидан ёки бошқа томондан қарам бўлган бўлса;
- у ўтказган тафтиш материаллари хўжалик судига мурожаат қилиш учун асос бўлиб хизмат қилган ёки ишни кўришда улардан фойдаланилаётган бўлса.

Юқорида кўрсатилган асослардан лоақал биттаси мавжуд бўлса эксперт, ХПК 20-моддасига кўра, ўзини ўзи рад қилиши тўғрисида ариза бериши шарт. Худди шу асослар бўйича ишда иштирок этувчи шахслар ва суд томонидан ҳам рад этиш тўғрисида ариза берилиши мумкин. Ўзини ўзи рад қилиш ва рад қилиш асослаб берилиши ва иш мазмунан кўрилишидан аввал маълум қилиниши керак. Уни кўриш давомида эса ўзини ўзи рад қилиш ёки рад қилиш тўғрисидаги аризага иш кўрилиши бошланганидан кейин, бунга зарурат судга ёки ариза берувчи шахсга маълум бўлган ҳоллардагина йўл қўйилади. Экспертни рад қилиш масаласи ишни кўраётган суд томонидан ҳал қилинади, айни у ушбу масала бўйича ажрим чиқаради *(ХПК 21-моддаси).*

## ЭКСПЕРТИЗА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Мажлисга раислик қилувчи судья хўжалик судининг мажлисини очади ва қандай иш кўрилишини эълон қилади ҳамда бошқа зарур ҳаракатларни кўради, шу жумладан ким эксперт сифатида иштирок этишини маълум қилади ва ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг рад қилиш ҳақида ариза бериш ҳуқуқини тушунтиради *(ХПК 126-моддаси).* Эксперт атайлаб ёлғон хулоса бериши ёки хулоса беришдан бош тортиш учун жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилади. Агар унга тақдим этилган материаллар етарли бўлмаса ёки ўз зиммасига юклатилган мажбуриятни бажариш учун зарур битимларга эга бўлмасагина эксперт хулоса беришдан бош тортиши мумкин.

Рад қилишлар бўлмаган тақдирда экспертиза хўжалик суди мажлисида ёки, агар бу тадқиқот хусусиятига кўра зарур бўлса ёки мажлисда тадқиқ қилиш учун материалларни етказиб бериш мумкин бўлмаса ёхуд мушкул бўлса, мажлисдан ташқарида ўтказилади. Масалан, суднинг қурилиш экспертизасини ўтказиши. ХПКнинг 83-моддасига кўра хўжалик суди у томонидан экспертиза тайинланганида иш юритишни тўхтатиб туришга ҳақлидир.

Ишда иштирок этувчи шахслар экспертиза пайтида ҳозир бўлишга ҳақлидир. Бироқ агар уларнинг ҳозир бўлиши экспертларнинг бир маромли ишлашига халақит берса, экспертиза уларсиз ҳам ўтказилади. Ўзини муносиб тутмаслик, ҳаддан ташқари қизиқувчанлик, у ёки бу муаммога эътиборни қаратиш хусусида асоссиз илтимослар ва ҳоказолар бунга олиб келиши мумкин.

Агар экспертиза ўтказиш икки нафар ёки ундан кўп экспертга топширилса, улар ўзаро маслаҳатлашиб олишлари мумкин. Умумий хулосага келгач, улар битта умумий хулоса берадилар. Ўз фикрига эга бўлган эксперт алоҳида хулоса беради.

Эксперт, агар бу хулоса бериш учун зарур бўлса, иш материаллари билан танишиш, хўжалик судининг мажлисларида иштирок этиш, саволлар бериш, суддан қўшимча материаллар тақдим этишни илтимос қилиш ҳуқуқига эгадир.

## ЭКСПЕРТИЗАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

Ўз хулосасини эксперт ёзма кўринишда беради *(ХПК 69-моддаси).* У ўтказилган текширишларни батафсил баён қилиши, улар натижасида чиқарилган хулосалар ва хўжалик суди томонидан қўйилган саволларга жавобларни ўз ичига олиши керак. Агар эксперт экспертиза ўтказаётганида ўзига қўйилган саволларда кўрсатилмаган, лекин иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқласа, шу ҳолатлар тўғрисидаги фикрларини хулосасига киритишга ҳақлидир. Эксперт хулосаси суд томонидан текширилади ва бошқа далиллар билан бир қаторда баҳоланади. Хулоса етарлича аниқ ёки тўлиқ бўлмаса, суд қўшимча экспертиза тайинлаб, уни ўтказишни ўша ёки бошқа экспертга топшириши мумкин. Ишда иштирок этувчи шахс хулосага қўшилмаса, қайта экспертиза тўғрисида илтимос қила олади. Бу ҳолда, шунингдек эксперт хулосаси хусусида асосли шубҳалар пайдо бўлганида суд қайта экспертиза тайинлайди, уни ўтказишни эса бошқа экспертга топширади.

Экспертларнинг ўз хулосаларини оғзаки тушунтиришлари суд мажлиси баённомасига қайд этилади *(ХПК 134-моддаси).* Суд ишини юритиш иштирокчилари шуни ёдда тутишлари лозимки, улар имзоланганидан кейин уч кун мобайнида баённома билан танишиш ва унинг тўлиқ ҳамда тўғри тузилганлиги тўғрисидаги ўз мулоҳазаларини тақдим этишга ҳақлилар. Улар мулоҳазаларининг қабул қилиниши ёки рад этилиши тўғрисида судья ажрим чиқариши керак.

Экспертларнинг суд учун хулосаси иш бўйича далил ҳисобланади *(ХПК 128-моддаси).* Ноқонуний ёки асоссиз суд ҳужжатининг қабул қилинишига олиб келган билатуриб ёлғон хулоса бериш қонуний кучга кирган суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос ҳисобланади *(ХПК 204-моддаси).*

## ЭКСПЕРТНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ

Экспертларга ҳам, гувоҳлар ва таржимонларга бўлганидек, хўжалик судига келиш билан боғлиқ бўлган йўлкира, уй-жой ижараси харажатлари қопланади ва кундалик харажатлар учун ҳақ тўланади *(ХПК 94-моддаси).* Агар бу иш уларнинг хизмат вазифаси доирасига кирмаса, улар хўжалик судининг топшириғи билан бажарган ишлари учун ҳақ оладилар. Экспертларга тўланадиган суммалар тегишли илтимос билан мурожаат қилган шахс томонидан хўжалик судининг депозит ҳисобварағига олдиндан киритилади. Агар иккала тараф илтимос қилса, талаб қилинаётган суммаларни улар тенг қисмларда киритадилар. Агар қўшимча экспертиза суднинг ташаббуси билан тайинланса, экспертга ҳақни суд ўзининг мажбуриятларини бажаргандан кейин депозит ҳисобварақдан тўлайди. Сўнгра ушбу суммалар ишда иштирок этувчи шахслардан ундирилиб, суднинг депозит ҳисобварағига қайд этилади *(ХПК 95-моддаси).* Тўлаш тартиби ва унинг суммалари миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

***Мария ТУХТАРОВА,***
***«Norma» МЧЖ юристи.***

РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ

рг 7-47-03

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ

ТЕЗКОР! ТЕЖАМЛИ! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

- **Хўжалик низосини тез ҳал этиш** (низони фақат битта инстанцияда энг қисқа муддатда кўриб чиқиш)
- **Иш кўришнинг тежамлилиги** (низони ҳал этишга алоқадор тарафларнинг кам чиқим қилиши)
- **Судьяларнинг малакаси** (судьяни тарафлар энг тажрибалилари орасидан танлаб оладилар)
- **Мобиллик** (низони Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг исталган жойида кўриб чиқиш имконияти)
- **Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг туғаллиги** (ҳал қилув қарори устидан давлат судига низо моҳиятига кўра шикоят бериш мумкин эмас)
- **Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг мажбурий ижро этилиши,** Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан кафолатланган (давлат судлари ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда)

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги ҳакамлик суди

Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент ш., Бухоро кўч., 6. Телефон (+998-71) 2394329 Факс (+998-71) 2320903. Web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

*Қонунбузарликлар фош этилди*

# ЯШИРИЛГАН ПУЛЛАР «ВАФО» ҚИЛМАДИ

***Республикамиз божхоначилари нақд хорижий ва миллий валюталарнинг юртимиз сарҳадлари орқали ноқонуний олиб ўтилиши олдини олиш йўналишида қатор чора-тадбирларни амалга оширишмоқда.***

Тошкент халқаро аэропорти божхоначилари «Тошкент-Пекин» йўналиши бўйича учиб кетаётган хитойлик фуқарони божхона назоратидан ўтказиш чоғида, унинг шахсий буюмлари орасига божхона баённомасида кўрсатилмаган 6 000 АҚШ доллари яширилгани маълум бўлди.

«Тошкент – Олма-Ота» йўналиши бўйича учиб кетаётган Р.Арипов ҳам 47 000 Россия рублини яширганлигини божхоначилар аниқлашган.

«Тошкент – Рим» йўналиши бўйича учиб кетаётган Н.Ненкова ҳам божхона назоратидан ўтиш вақтида божхона баённомасида кўрсатилмаган 18 900 АҚШ доллар «яширин жамғармаси» билан фош бўлди.

«Тошкент – Краснодар» йўналиши бўйича учиб кетаётган П.Беляковнинг эса қонунчилик чегарасидан чиққан маблағлари 20 550 Россия рублини ташкил этди.

«Тошкент – Москва» йўналиши бўйича учиб кетаётган Россия Федерацияси фуқароси божхона назоратидан ўтиши вақтида шахсий текширувдан ўтказилганда у божхона баённомасида кўрсатилмаган 14 300 АҚШ долларини, шу йўналиш бўйича учиб кетаётган яна бир россиялик 50 000 Россия рублини, бошқа шу юртлик аёл эса 24 000 Россия рублини юртимиздан ноқонуний равишда олиб кетмоқчи бўлганлар.

«Тошкент – Лаҳор» йўналиши бўйича учиб кетаётган покистонлик Ҳ.Ю. ўзига тегишли ёзув дафтари ичига яширилган 8 550 АҚШ долларини божхона баённомасига ёзишни «унутганлиги» сабабли Тошкент халқаро аэропорти божхоначилари томонидан тўхтатиб қолинди.

Тошкент вилояти божхона бошқармасининг С.Наджимов божхона пости ходимлари «Газ-24» русумли автомашинани божхона назоратидан ўтказишганда, фуқаро Р.Чирчикбаев автомашина салони олди ўриндиғи тагига ҳамда автомашина двигателининг ёнига жами 8,4 млн сўмни яширганча ноқонуний равишда қўшни давлатга олиб чиқмоқчи бўлганлиги фош бўлди.

Ҳозирда юқоридаги қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

***Давлат божхона қўмитаси***
***Матбуот хизмати.***



**?** *Машҳур «12 стул» асарида Остап Бендер Пятигорскдаги Провал ғорини тезда даромад олиш манбаига айлантирганлиги, ана шу табиат мўъжизасини кўришга келган талабалардан 5 тийиндан, касаба уюшмаси аъзоларидан 30 тийиндан ҳақ олганлиги, болаларни эса бепул томоша қилдирганлиги ёдингиздадир. Қачонлардир касаба ташкилотига мансублик ана шундай имтиёзлар берган.*

*Ҳозир касаба уюшмалари ўз аъзоларига нима бермоқда? Улар меҳнат жамоаларида нима билан шуғулланмоқдалар? Ўз корхонасида қандай қилиб касаба уюшмасини тузиш мумкин?*

**Н.Абдуллова.**

# КАСАБА УЮШМАСИ – 1 ФОИЗЛИК БАДАЛ ТЎЛАШГИНА ЭМАС

***Ҳозирги шароитда касаба уюшмасининг асосий фаолияти жамоа шартномасини тайёрлаш, тузиш ва уни бажариш учун «курашиш» ҳисобланади. Бироқ оддий ходимлар жамоа шартномасини одатий нарсадек қабул қиладилар: ҳар доим шундай бўлиб келган, унда ёзилган ижтимоий имтиёзлар ҳам кураш предмети бўлиб ҳисобланмайди. Ушбу ҳужжат, ходимларнинг фикрича, – уларга аввал давлат тақдим этган кафолатлар мажмуидир, шу сабабли касаба уюшмасининг фаолиятини кам самарали деб ҳисоблашади: шундай ҳам беришлари керак бўлган кафолатларни нега ҳимоя қилиш керак?***

***Кўпгина янги мулкдорлар Ғарб компаниялари учун одатий бўлган патерналистик* йўлдан боришга тайёр эмаслар. Шу боис корхоналарда касаба уюшмаси ташкилоти бажарадиган вазифалар анча қисқарди. Касаба уюшмалари таъсири камайишининг асосий сабабларидан бири деб мутахассислар корхоналарда ижтимоий соҳа – касаба уюшмаларининг анъанавий фаолият майдони: болалар боғчалари, оромгоҳлар, дам олиш ва даволаниш муассасалари ва ҳоказоларнинг қисқаришини ҳам кўрсатадилар. Уларнинг ижтимоий имтиёзлар ва моддий неъматларни тақсимлаш билан боғлиқ фаолиятига ҳам зарурат қолмайди, зеро уларнинг борлиги ва ҳажмини ҳозир уларнинг тақчиллиги эмас, балки иш берувчининг иқтисодий аҳволи ва ходимнинг унга бевосита боғлиқ бўлган моддий фаровонлиги белгилайди. Буларнинг ҳаммаси ижтимоий-меҳнат жараёнларини тартибга солишда касаба уюшмаларининг ролини оширмайди.***

***Бироқ Меҳнат кодексида «касаба уюшмаси» жумласи дастлаб кутилганидан анча кўп учрайди. Бундай вазиятда иш берувчилар касаба уюшмаси қандай ва нима учун фаолият юритади, у фирмага умуман керакми деган саволни борган сари кўпроқ беришлари ажабланарли эмас.***

Касаба уюшмаси ташкилотларининг фаолияти «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун *(1992 йил 2 июлдаги 638-XII-сон)* билан тартибга солинган. Уларнинг фаолияти билан боғлиқ айрим қоидалар Меҳнат кодексида ҳам келтирилган.

Ана шу қонунларга юзаки кўз югуртганда ҳам касаба уюшмасини ташкил этиш анча масъулиятли қадам эканлигини тушуниш мумкин. Зеро унинг аввал-бошдан белгиланган асосий вазифаси иш берувчи олдида ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдир.

## УЛАРНИ НЕГА ТАШКИЛ ЭТАДИЛАР?

Касаба уюшмасининг аъзоси бўлиш яқин-яқингача одатий иш бўлиб, баъзан унинг борйўқлигини ҳеч ким сезмас ҳам эди. Йигирма йилча аввал ҳам «Касаба уюшмасига аъзомисиз?» деган саволга таажжуб билан «Бўлмасамчи!» деб жавоб беришарди. Зеро ўша вақтда Ильф ва Петров романидаги «Пиво фақат касаба уюшмаси аъзоларига!» шиори амал қиларди. Тўғри, пиво эмас, балки янги йил совғалари, болалар учун театрга чипталар, санаторийга йўлланмалар, гилам учун талонлар, квартира ва машинага навбат – касаба уюшмаси уларни олиш ва тақсимлаш билан шуғулланарди. Эндиликда касаба уюшмаларига баъзилар аъзо эмас, улар кўп жойларда мавжуд эмас, борлари ҳам аввалги мавқега эга эмас.

Бироқ касаба уюшмалари барибир ташкил қилиняпти. Бунинг биринчи сабаби ҳам жавобимизнинг энг аввалида айтилди – иш берувчи олдида ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш. Тўғри, кўпгина корхоналарда аввал-бошдан ёлланма ходимлар манфаатларини ифодалаши, иш берувчидан мустақил бўлиши белгиланган касаба уюшмаси амалда бу билан шуғулланмаяпти. У корхонанинг ижтимоий масалалар бўйича вазифаларини ўз зиммасига олган. Жамоат ташкилоти ресурслари (мустақиллик, аъзоликнинг ихтиёрий тусдалиги, шижоатлилик хусусиятлари ва бошқалар) маъмурий захираларга айлантирилган ва турли даражадаги (аввало олий) менежерлар томонидан ташкилотни самарали бошқариш учун фойдаланилмоқда. Албатта, бундай ҳолда ҳам меҳнатга оид ихтилофлар кўпчилик корхоналарда қай бир тарзда ҳал қилиняпти.



*Ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш – касаба уюшмаларининг асосий вазифаси.*

Иккинчи, энг салмоқли сабаб эса – Меҳнат кодекси талаблари. Гап шундаки, ички, яъни локал меъёрий ҳужжатларни расмийлаштириш чоғида бухгалтер ва кадрлар бўлими ходими уларга тўқнаш келиб туради: ҳужжат ходимларнинг вакиллик органи фикрини ҳисобга олган ҳолда тузилиши (келишиб олиниши) керак. Ушбу талаб Меҳнат кодексининг 30 дан ортиқ моддасида бор *(МК 89, 94, 95, 101, 102, 111, 117, 123, 130, 137, 144, 153, 157-159, 165, 174, 194, 203, 213, 216, 217, 223, 236, 241, 259, 262-265, 268, 269, 280, 281-моддалари).*

Агар ходимлар вакиллик органининг фикри ҳисобга олинмаса, локал ҳужжат ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин ва ходимни, масалан, ички меҳнат тартиби қоидаларини бузганлик учун жавобгарликка тортиб бўлмайди. Бундан ташқари, меҳнат инспекцияси томонидан жарима солиниши мумкин.

Меҳнат кодексининг моддаларида одатда вакиллик органи қандай бўлиши кераклиги – албатта касаба уюшмаси ташкилоти ёки бошқача орган бўлиши аниқлаштирилмайди. Кўпчилик бунда фақат касаба уюшмаси назарда тутилади деб ўйлайди, бироқ бу тўғри эмас.

## КАСАБА УЮШМАСИ МУҚОБИЛИ

Хуллас, сиз фирмада «ходимларнинг вакиллик органи»ни ташкил этишга қарор қилдингиз. Эскидан қолган касаба уюшмасига тегишли бўлмаган вакиллик органи унинг қонуний муқобили бўлиши мумкин. У касаба уюшмаси ташкилоти мавжуд бўлмаса ёки унинг аъзолари оз сонли бўлганда ташкил этилади *(МК 21-моддаси).*

Меҳнат кодексининг 21-моддасига кўра ходимлар умумий йиғилиш ёки конференцияда ўз вакилини сайлашлари мумкин, у ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Бундай вакилларнинг фаолиятини фирманинг ўзи таъминлаши керак *(МК 23-24-моддалари).* Амалиётнинг кўрсатишича, алоҳида ҳужжат, масалан, «Ходимларнинг вакиллик органи тўғрисида низом» тузиш ва унда ушбу «ташкилот»нинг барча қонун-қоидалари: сайлаш, чақириш, унинг ваколатлари тўғрисида қарорлар қабул қилиш ва ҳоказоларни назарда тутиш осонроқ бўлади.

Бунинг учун буйруқ чиқариш ва Низомни тасдиқлаш, тилхат олган ҳолда жамоани улар билан таништириш керак. Сўнгра ходимларнинг умумий йиғилишини ўтказиш, унда яширин овоз бериш йўли билан бир ёки бир нечта вакилни сайлаш керак. Йиғилиш якунлари бўйича баённома тузилади, унда сайланган номзодлар ва уларнинг ваколатлари муддатлари кўрсатилади.

## КАСАБА УЮШМАСИНИ ТУЗМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ

Бироқ сиз айни касаба уюшмасини тузишингиз лозим дейлик. Биринчи навбатда сиз тармоқ касаба уюшмасига қўшилмоқчи ёки ўзингизнинг кичик, бироқ мустақил касаба уюшмасини ташкил этмоқчи эканлигингизни аниқлаб олинг *(«Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун 2-моддаси).* Ҳар қандай ҳолда ҳам касаба уюшмасини юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш** мажбурий эмаслигини билиб қўйинг.

Тармоқ касаба уюшмасига қўшилиш ҳаммасидан осон. Бу ҳолда амалда ҳеч нарса қилмайсиз – ҳаммасини ўзлари тушунтириб беришади. Ҳудудий тармоқ касаба уюшмасининг манзили ёки телефон рақамларини топинг, улар билан боғланинг, ўз хоҳишингиз тўғрисида маълум қилинг. Тезда ўз сафларига қабул қилишиб, фақат молиявий ишларни қандай юритмоқчи эканлигингизни сўрашади. Бунда икки вариант бор: уларни мустақил юритиш ёки тармоқ касаба уюшмасига топшириш. Иккинчи вариантни танланг, бу ҳолда яна бир бош оғриғидан халос бўласиз – тўғри, барча бадалларнинг салкам 30 фоизидан*** ҳам маҳрум бўласиз.

Ҳаммаси тармоқ касаба уюшмаси билан келишилгач, йиғилиш ўтказинг, ташкилот қўмитаси ва унинг етакчисини сайланг, «Касаба уюшмаси тўғрисида низом» қабул қилинг ва икки нусхада тегишли баённома тузинг. Унинг биттасини юқори касаба уюшмасига жўнатинг. Бироз муддат ўтгач фирмангиз раҳбари номига хат келади, унда фирмада бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тузилганлиги хабар қилинади. **N**

* **Патернализм** *(лот. paternus – отага хос) – гўё тадбиркорларнинг ўзларида ишлайдиган ходимларга «оталарча» муносабатда эканлиги тўғрисида буржуа мафкуравий доктринаси ҳамда меҳнат ва капитал ўртасидаги муносабатларнинг эксплуататорлик хусусиятини ниқоблаш мақсадида айрим хайрия тадбирларини ўтказишнинг ушбу доктринага мувофиқ келадиган сиёсати.*

*** Хоҳишга қараб касаба уюшмангизни 1991 йил 15 февралдаги 223-XII-сон «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонун 11-моддасининг талабларига мувофиқ рўйхатдан ўтказиш мумкин.*

**** Энг кам кириш бадали ва касаба уюшмаси аъзоси аъзолик бадалининг ойлик миқдори ташкилот устави билан белгиланади (кўп ҳолларда у ойлик иш ҳақининг 1%ини ташкил қилади). Касаба уюшмаси Марказий қўмитасига аъзолик бадаллари ажратмалари миқдори тўғрисидаги қарор унинг МҚ Пленумида; касаба уюшмасининг ҳудудий (вилоят, шаҳар ва туман) қўмиталари (кенгашлари)га бадаллар ажратмалари тўғрисида эса – тегишли сайлаб қўйиладиган касаба уюшмаси органлари мажлисларида қабул қилинади ва барча касаба уюшмаси ташкилотлари учўн мажбурий ҳисобланади (одатда бошланғич касаба уюшмаси ташкилотида ҳисобда турган касаба уюшмаси аъзоларидан ушланган аъзолик бадаллари умумий суммасининг 30%идан ошмайди).*

***Анъаналар***

# ЖАМҒАРМАЛИ ДИПЛОМ

***Нафақат пулларни банкка қўйиб, акция ёки кўчмас мулкни тикиб фойда олиш мумкин. Ютқазилмайдиган йўллардан бири – уларни ўзи таълим олиши ёки фарзандларининг ўқиши учун сарфлашдир. Охироқибатда сизнинг харажатларингиз ўзини оқлайди.***

Хусусан, экспертларнинг маълумотларига кўра, Россиядаги олий ўқув юртлари дипломларининг соҳиблари ўрта маълумотли кишиларга нисбатан 60-70 фоиз кўп ишлаб топадилар, ривожланган мамлакатларда эса, бу «мукофот» 50-100 фоиз атрофида бўлади.

Лекин бунда шуни ҳисобга олиш керакки, агар сиз ўз капиталингизни «келажак» учун инвестиция қилишни кўзлаётган бўлсаңгиз, аввало касбингиз бозорда талабгир бўладими, шуни англаб етиш лозим. Ҳозир қайси мутахассислар қадрланмоқда ва келгусида буни ҳисобга олса бўладими?



«Техник» касбларга – муҳандислар, табиий фанлар соҳаси мутахассисларига талаб ортмоқда, деб қайд этишади иқтисодий олий ўқув юртлар ходимлари. Уларнинг фикрича, бир неча йил аввал кузатилган иқтисодчилар, менежерлар бўйича «кадрлар етишмовчилиги» ҳозирда йўқ. Ҳақиқатан, бугун бухгалтерия билан, эртага – инновациялар билан, индинга эса – капитал қўйилмалар билан ишлай оладиган яхши иқтисодчиларга бўлган талаб ҳар доим ҳам мавжуд бўлади, деб ҳисоблашади улар. Шунинг учун ҳам олий ўқув юртини танлаётганда иқтисодий таҳлил, математик ва иқтисодий статистика, инвестицион таҳлил, корпоратив молия бўйича базавий билим асосларини бера оладиган ўқув муассасаларини эътиборга олиш керак.

Пул топиш масаласига келсак, ҳозир Россиядаги юқори бўғин раҳбарлари - юристлар энг юқори ҳақ тўланадиган мутахассислар ҳисобланишади. Уларнинг Россия компанияларидаги ойлик даромади 42 минг долларга етишини экспертлар ҳисобլаб кўрдилар. Мазкур кадрлар агентликлар маълумотлари бўйича ўтган йили техника мутахассисликлари ходимларининг иш ҳақи энг тез сурьатлар билан ўсган. Улар ўртача 1,5 мартага ошган. Бу муҳандис, мастер, технолог каби кадрларнинг етишмаслиги билан боғлиқ. 1990 йилларда бу мутахассисларга кам ҳақ тўланган, кўпгина «техниклар» касбини ўзгартиришга мажбур бўлганлар.

Ҳозир Россия саноати ҳақиқатда ўсмоқда – машинасозлик, металлургия, автомобилсозлик ва кимё шиддат билан ривожланмоқда. Келгусида энг талабгир бўладиган касблар рўйхатини аниқлаш учун эса иқтисодиётнинг ривожланиш тамойилини диққат билан кузатишнинг ўзи етарлидир, деб маслаҳат беришяпти экспертлар.

Юқори технологиялар ва компьютерлар билан боғлиқ касблар энг оммабоп бўлади. Шунга ўхшаш ўзгаришлар халқаро меҳнат бозорида ҳам кузатилмоқда. Америкалик тадқиқотчиларнинг фикрича, 2016 йилда «айтишниклар», молия таҳлилчилари ва юқори малакали шифокорлар бошқаларга нисбатан кўпроқ ҳақ оладилар.

***Хорижий матбуот материалларидан.***

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

– «2008-2010 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида».

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

– «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида».

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ*

## 2008-2010 ЙИЛЛАРДА САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИ АСОСИДА ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР, БУТЛОВЧИ БУЮМЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 22-23-сон, 198-модда)*

Импорт ўрнини босадиган ва рақобатбардошли замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, тармоқ ичида ва тармоқлараро саноат кооперациясини мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини ўстириш, шунингдек ўтказилган Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси якунларини ҳисобга олган ҳолда:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси томонидан республика компаниялари, уюшмалари ва корхоналари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2008-2010 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури маъқуллансин. Дастур:

2008-2010 йилларда саноат маҳсулотларининг асосий турларини ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳаллийлаштириш даражасининг 1-иловага* мувофиқ мақсадли параметрларини;

2008-2010 йилларда бутловчи узеллар ва деталлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларининг 2 ва 2а-иловаларга* мувофиқ рўйхатини;

2008-2010 йилларда тайёр маҳсулотлар, материаллар ва хом ашё турларини маҳаллийлаштириш лойиҳаларининг 3 ва 3а-иловаларга* мувофиқ рўйхатини;

спорт инвентарлари ва ўқув анжомлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш 2008 йилда тугалланадиган лойиҳаларининг 4-иловага* мувофиқ рўйхатини;

мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан ўзлаштиришга тавсия этилаётган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмларнинг 5-иловага** мувофиқ рўйхатини ўз ичига олади.

2. 2 ва 3-иловаларга киритилган корхоналар 2011 йил 1 январгача:

четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, шунингдек маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда технологик жараёнда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган компонентлар учун божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари);

маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиғи, ягона солиқ тўлови (солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган субъектлар учун);

маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинсин.

Бунда 2а, 3а ва 4-иловаларга киритилган корхоналар учун ушбу бандда назарда тутилган имтиёзлар 2009 йил 1 январгача берилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарорнинг 2-бандида назарда тутилган имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшаб қоладиган маблағлар янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга, шунингдек фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни кенгайтиришга, реконструкция қилишга, модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материаллар сотиб олишга, Маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга жалб қилинган корхоналарнинг муҳандис-техник ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Адлия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Маҳаллийлаштириш дастурида қатнашувчи корхоналарга берилаётган имтиёзларини қўллашнинг янгиланган тартибини тасдиқласинлар, унда корхоналарнинг лойиҳалар параметрларини бажариш бўйича аниқ мажбуриятлари ва жавобгарлигини, шу жумладан уларга белгиланган параметрларни, биринчи навбатда, маҳаллийлаштириш даражасини асоссиз равишда бажармаганлик учун молиявий санкциялар белгилашни назарда тутсинлар.

5. Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилишини

*1-4, 6-иловалар берилмайди.

**5-илова рус тилидаги матнда берилади.

таъминлаш бўйича Махсус комиссия таркиби 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин, унга, маҳаллийлаштиришнинг белгиланган даражасини пасайтиришни истисно қилган ҳолда, Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари параметрларига тузатишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасига Махсус комиссиянинг таклифлари бўйича 2 ва 3-иловаларга киритилган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш параметрлари ва рўйхатига, шунингдек 5-иловага киритилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар рўйхатига ўзгартиришлар киритишга рухсат берилсин. Бунда 2 ва 3-иловаларга биринчи навбатда 5-иловада акс эттирилган, шунингдек Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ўтказиш давомида аниқланган талабдан келиб чиқиб мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан ишлаб чиқариш назарда тутилаётган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга йўналтирилган лойиҳалар киритилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатаси лойиҳаларни танлаш, киритиш ва чиқариб ташлашнинг очиқ-ошкора механизми ва мезонларини, хўжалик юритувчи субъектларнинг буюртманомалари ваколатли органлар ва Махсус комиссия томонидан кўриб чиқилишининг аниқ муддатларини ва Маҳаллийлаштириш дастурига киритилаётган ўзгартиришлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинишини назарда тутадиган Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда қайта ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

8. Идоралараро божхона-тариф кенгаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё ва материалларга, шунингдек мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари учун кенг рақобат муҳити ва қулай шарт-шароитлар яратилиши зарурлигини назарга тутган ҳолда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида серияли ишлаб чиқариш ўзлаштирилган маҳсулотларга импорт божхона тўловларини мақбуллаштириш бўйича таклифларни мунтазам равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларни амалга оширишнинг бориши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин ва ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси:

саноат кооперацияси алоқаларини чуқурлаштириш ҳамда маҳаллий хом ашёни қайта ишлашга ва замонавий технологияларни жалб этишга асосланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш тадбирлари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини;

мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан ўзлаштирилиши тавсия этилаётган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар рўйхати тўғрисида мунтазам ахборот бериб борилишини таъминласинлар.

11. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006-2008 йилларда маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида» 2006 йил 22 июндаги ПҚ-386-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «2006-2008 йилларда маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурига тузатишлар киритиш тўғрисида» 2007 йил 8 майдаги 93-сон қарорининг 1-банди.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 28 май*
*ПҚ–879-сон.*

*ПРИЛОЖЕНИЕ № 5*
*к постановлению Президента*
*Республики Узбекистан*
*от 28 мая 2008 года № ПП-879*

## ПЕРЕЧЕНЬ
## готовой продукции, материалов и комплектующих изделий, рекомендуемых к освоению отечественными производителями

| N | Наименование продукции | Код ТН ВЭД |
|---|---|---|
| | **I. Комплектующие изделия и материалы для предприятий машиностроения** | |
| 1 | Изделия электронного и электротехнического профиля для легковых и грузовых автомобилей, автобусов и сельскохозяйственной техники | 8512 20 – 8512 90* |
| 2 | Полимерные литые, выдувные и экструзионные детали для легковых и грузовых автомобилей, автобусов и сельскохозяйственной техники | 8708*<br>3926* |
| 3 | Резинотехнические детали для легковых и грузовых автомобилей, автобусов и сельскохозяйственной техники | 4016* |
| 4 | Метизы и крепежные изделия для легковых и грузовых автомобилей, автобусов и сельскохозяйственной техники | 7318* |
| 5 | Отделочные материалы, в том числе синтетические, для легковых и грузовых автомобилей, автобусов и сельскохозяйственной техники | 8708*<br>3926* |
| 6 | Штампованные, формованные и литые металлические детали для легковых и грузовых автомобилей, автобусов и сельскохозяйственной техники | 8708*<br>7326* |
| 7 | Автошины и автокамеры для легковых автомобилей, автобусов, грузовых автомобилей и сельскохозяйственной техники | 4011*<br>4013* |

| N | Наименование продукции | Код ТН ВЭД |
|---|---|---|
| 8 | Подшипники для легковых автомобилей, автобусов, грузовых автомобилей и сельскохозяйственной техники и других нужд | 8482* |
| 9 | Гидроцилиндры для легковых автомобилей, автобусов, грузовых автомобилей и сельскохозяйственной техники и других нужд | 8708* |
| 10 | Радиаторы для легковых автомобилей, автобусов, грузовых автомобилей и сельскохозяйственной техники | 870891* |
| | **II. Станочное производство** | |
| 11 | Станки настольные: токарные, сверлильные, фрезерные, шлифовальные и др. | 8458 – 8460* 8465* |
| 12 | Станки ножовочные | 8456* 8457* 8461* 8463* 8464* |
| | **III. Инструментальное производство** | |
| 13 | Инструменты хозяйственные – слесарные (дрели ручные, ключи гаечные и разводные, сверла, кусачки, плоскогубцы, пилки любительские, отвертки, ножовки, молотки, тиски всех видов) | 8202 10 0000 8203 10 0000 8203 20 9000 8204 11 0000 8204 12 0000 8205 10 0000 8205 20 0000 8205 40 0000 8205 70 0000 |
| 14 | Инструменты хозяйственные – деревообрабатывающие (бурова, долота, клещи, коловороты, рашпили, рубанки, фуганки, стамески, сверла, пилы) | 8202 10 0000 8203 10 0000 8203 20 9000 8205 10 0000 8205 30 0000 |
| 15 | Прочие инструменты (скобы строительные, садово-огородный инструмент и инвентарь ручной и механизированный и др.) | 7317 00 9001 7317 00 9009 8201* |
| | **IV. Крепежные изделия и фурнитура** | |
| 16 | Крепежная арматура, фурнитура и аналогичные изделия из недрагоценных металлов, используемые для мебели, дверей, лестниц, окон, штор, в салонах транспортных средств, шорных изделий, чемоданов, ящиков, шкатулок, подводки для штор | 8302* |
| 17 | Метизы | 7318* |
| 18 | Фитинги | 7318* |
| | **V. Электронная и электротехническая продукция** | |
| 19 | CD-проигрыватель | 8519* |
| 20 | MP-3-проигрыватель | 8519* |
| 21 | Видеоресивер/тюнер | 8528 71 2000 8528 71 3000 8528 71 5000 |
| 22 | Программируемые контроллеры с памятью | 8537 10 9101 8537 10 9109 |
| 23 | Электронные калькуляторы | 8470 10 0001 |
| 24 | Электронные и бытовые часы | 9101* 9102* 9103* 9105* |
| 25 | CD и жесткие диски | 8523* |
| 26 | Факсимильные аппараты | 8443 32 2000 |
| 27 | Телефоны с АОН, мини-АТС и комплектующие к ним | 8517* |
| 28 | Радиоприемники | 8527* |
| 29 | Машины швейные бытовые | 8452* |
| 30 | СВЧ-печи | 8516* |
| 31 | Духовые печи | 8516* |
| 32 | Микроволновые печи | 8516 50 0000 |
| 33 | Пылесосы | 8509* |
| 34 | Миксеры | 8509 40 0000 |
| 35 | Водонагреватели | 8516 10 1900 |
| 36 | Электродрели | 8467* |
| 37 | Вентиляторы | 8414* |
| 38 | Газовые плиты | 8512 20* |
| 39 | Электрочайники | 8516 71 0000 |
| 40 | Кухонные комбайны | 8509 40 0000 |
| 41 | Утюги | 8516* |
| 42 | Стиральные машины | 8450* |
| 43 | Посудомоечные машины | 8422* |
| 44 | Холодильники | 8418* |
| 45 | Сигнализация автомобильная, автофары | 8512* |
| 46 | Аппаратура приемная для радиотелефонной, радиотелеграфной связи или радиовещания | 8527* |
| 47 | Лампы газоразрядные флуоресцентные с термокатодом, двухцокольные | 8539 31 1000 |
| 48 | Аппаратура передающая для радиотелефонной, радиотелеграфной связи | 8525* |
| 49 | Лампы накаливания | 8539* |
| 50 | Лампы дневного света | |
| 51 | Прожекторы и лампы узконаправленного света | 9405 40 1001 9405 40 1009 |
| 52 | Фонари | 8513 10 0000 |
| 53 | Манометры | 9026* |
| 54 | Батарейки типа «АА» | 8506* |

| N | Наименование продукции | Код ТН ВЭД |
|---|---|---|
| 55 | Электродвигатели | 8501* |
| 56 | Включатели электрические | 8536* |
| 57 | Рубильники, переключатели | 8536* |
| 58 | Розетки электрические, удлинители (типа «Пилот» и др.) | 8536* |
| 59 | Пульты, панели, консоли, распределительные щиты и основания для электрической аппаратуры | 8537* |
| 60 | Устройства для зарядки аккумуляторов | 8504 40 5509 |
| 61 | Автоматические выключатели 1,6а – 1 000а | 8536 20 1001<br>8536 20 1009 |
| 62 | Запасные части и комплектующие (материнская плата, жесткий диск, процессор и другие) к персональным компьютерам | 8471*<br>8473* |
| 63 | Запасные части к цветным телевизорам | 8529* |
| 64 | Пластины офсетные | 8442 50 8000 |
| 65 | Персональные компьютеры, серверы, запасные части и комплектующие к ним (монитор, материнская плата, жесткий диск, модемы, принтеры и другие) | 8471*<br>8517* |
| 66 | Кабели волоконно-оптические | 8544 70 0000 |
| 67 | Соединители и контактные элементы для проводов и кабелей | 8536 90 1001<br>8536 90 1009 |
| 68 | Схемы печатные | 8534* |
| | **VI. Продукция производственно-технического назначения** | |
| 69 | Линолеум и плитки резиновые | 5904 10 0000 4008* |
| 70 | Велокамеры и велопокрышки | 4013 20 0000<br>401150 0000 |
| 71 | Шлаковата, минеральная силикатная вата и аналогичные минеральные ваты | 6806 10 0001<br>6806 10 0002<br>6806 10 0008 |
| 72 | Фильтровальные ткани, используемые в маслоотжимных прессах или для аналогичных технических целей | 591140 0000 |
| 73 | Компрессоры для холодильного оборудования | 8414 30* |
| 74 | Бумага, картон с покрытием, пропиткой или ламинированные пластмассами | 4811* |
| 75 | Бумага парафиновая | 4811 60 0000 |
| 76 | Обои пленочные | 4814* |
| 77 | Графит ГМЗ-ОСИ | 3801* |
| 78 | Замочные и скобяные изделия: замки и защелки для деревянных дверей, замки врезные (цилиндровые, сувальдные) | 8301* |
| 79 | Гипсокартонные листы | 6809* |
| 80 | Сварочные электроды | 8311 10 1000 |
| 81 | Алюминиево-пластиковые композитные панели | 7610 90 9000 |
| 82 | Профили из ПВХ, алюминия и сплавов | 7610 90 9000 |
| 83 | Стеновые панели из ПВХ | 3925* |
| 84 | Трубы, соединительные шланги и фитинги из ПВХ, полипропилена и металла | 3917* |
| 85 | Насосы | 8413* |
| 86 | Поролон для мебельной, автомобильной и легкой промышленности | 3921* |
| 87 | Респираторы ШБ-1 «Лепесток-200» | 9020 00 0900 |
| 88 | Огнеупорные и кислотоупорные изделия | 6902* |
| 89 | Оцинкованная и холоднокатаная сталь | 7210* |
| 90 | Прокат для армирования железобетонных конструкций | 7214* |
| 91 | Литье и прокат из меди | 7403* |
| 92 | Оцинкованная стальная проволока и изделия из нее | 7217* |
| | **VII. Санитарно-бытовые технические изделия** | |
| 93 | Раковины | |
| 94 | Умывальники | |
| 95 | Консоли раковин | |
| 96 | Ванны | 6910* |
| 97 | Биде | 3922* |
| 98 | Унитазы | |
| 99 | Сливные бачки | |
| 100 | Душевые устройства | |
| 101 | Писсуары и аналогичные санитарно-технические изделия | |
| | **VIII. Потребительские и другие товары** | |
| 102 | Зажигалки | 9613* |
| 103 | Бытовые вентили, краны, смесители | 8481 80 1100 |
| 104 | Зонты и солнцезащитные зонты | 6601* |
| 105 | Коляски детские | 8715 00 1000 |
| 106 | Медицинская мебель | 9402* |

| N | Наименование продукции | Код ТН ВЭД |
|---|---|---|
| 107 | Столовые изделия из стекла (фужеры, графины, бокалы и т.д.) | 7013* |
| 108 | Стерилизаторы медицинские, хирургические и лабораторные | 8419 20 0000 |
| 109 | Самокаты | 9501 00 9000 |
| 110 | Велосипеды | 8712 00 3000 |
| 111 | Запасные части к велосипедам | 8714 9* |
| 112 | Термосы бытовые | 9617* |
| 113 | Огнетушители бытовые | 8424 10 8000 |
| 114 | Нагревательные элементы и спирали к электроприборам | 8516* |
| 115 | Детские игрушки | 9501 – 9504* |
| 116 | Спортивный инвентарь | 9506* |
| 117 | Учебное оборудование | 9023* |
| 118 | Стеклобутылки и стеклобанки | 7010* |
| | **IX. Для нужд хозяйствующих субъектов сферы услуг и сервиса** | |
| 119 | Наборы маникюрные, педикюрные и принадлежности к ним | 8214 20 0000 |
| 120 | Расчески, шпильки, щипцы парикмахерские электрические | 9615* 8516 32 0000 |
| 121 | Чернила, тушь, замазка, герметики, пластилин, лак | 3214* 3215* 3407* |
| 122 | Камеры для спортивных мячей (футбольных, волейбольных, баскетбольных и др.) | 4016 95 0000 |
| 123 | Иглы швейные для шитья вручную, иглы к швейным машинам | 7319 10 0000 8452 30* |
| 124 | Инвентарь и средства малой механизации для животноводства и кормопроизводства (доильные агрегаты, инкубаторы, измельчители кормов, ножницы для стрижки овец, скребницы для скота, электростригальные агрегаты и др.) | 8434 10 0000<br>8436 21 0000<br>8436 10 0000<br>8201 90 0000<br>8205 59 9091<br>8205 59 9099<br>8510 30 0000 |
| 125 | Полотна ножовочные | 8202* |
| 126 | Бруски для точки ножей, хозяйственного инструмента, кос, бритв и др. | 6804 30 0000 |
| 127 | Мясорубки и электромясорубки бытовые | 8210 00 0000<br>8509 40 0000 |
| 128 | Насосы для колодцев ручные и электрические | 8413* |
| 129 | Товары бытовой химии: средства стиральные синтетические; средства моющие синтетические; средства пеномоющие для ванн; средства стиральные жировые и водосмягчающие; средства для отбеливания, подсинивания и подкрахмаливания изделий и тканей; средства пятновыводные; средства полирующие; средства по уходу за автомобилями, мотоциклами, велосипедами; средства клеящие | 3402*<br>3824 90 9809<br>3405 30 0000<br>3506* |
| 130 | Ваксы, кремы и аналогичные средства для обуви или кожи | 3405 10* |
| | **X. Химическая продукция** | |
| 131 | Инсектициды, родентициды, фунгициды, гербициды | 3808* |
| 132 | Поливинилхлорид | 3904* |
| 133 | Каучук синтетический | 4002* |
| 134 | Лента капроновая, нейлон | 3920 92 0000 |
| 135 | Моноглицериды (эмульгатор) | 3824 90 5500 |
| 136 | Бензол | 2902 20* |
| 137 | Толуол | 2902 30* |
| 138 | Нитрат натрия | 3102 50* |
| 139 | Краситель золотисто-желтый (канифоль) | 3806* |
| 140 | Компоненты полиуретанового сырья, пластикат | 3812* |
| 141 | Целлюлоза НС-2 небеленая | 4703 11 0000 |
| 142 | Кокс и полукокс из угля | 2704 00 1900 |
| 143 | Кислота плавиковая | 2811 11 0000 |
| 144 | Сульфид натрия | 2830 10 0000 |
| 145 | Сульфат никеля | 2833 24 0000 |
| 146 | Нитрит натрия | 2834 10 0000 |
| 147 | Карбонат динатрия | 2836 20 0000 |
| 148 | Гидрокарбонат натрия (бикарбонат натрия) | 2836 30 0000 |
| 149 | Карбонат кальция | 2836 50 0000 |
| 150 | Цианиды и оксидцианиды натрия, натрий цианистый | 2837 11 0000 |
| 151 | Ацетон | 2914 11 0000 |
| 152 | Бутанон (метилэтилкетон) | 2914 12 0000 |
| 153 | Кислоты ациклические поликарбоновые и их ангидриды | 2917* |
| 154 | Бура техническая | 2840 19 9000 |
| 155 | Ангидрид фталевый | 2917 35 0000 |
| 156 | Диэтиламин и его соли | 2921 12 0000 |
| 157 | Аминоспирты, их простые и сложные эфиры, кроме соединений, содержащих более одного типа кислородосодержащих функциональных групп; соли этих соединений | 2922* |
| 158 | Дитиокарбонаты (ксантогенаты) | 2930 20 0000 |

| N | Наименование продукции | Код ТН ВЭД |
|---|---|---|
| 159 | Хлорид калия | 3104 20 5000 |
| 160 | Синтетические дубители | 3202 10 0000 |
| 161 | Пигменты разные органические | 3204 17 0000 |
| 162 | Двуокись титана | 3206 19 0000 |
| 163 | Лакокрасочный материал НЦ, ХВ, Х | 3208 20 1000 |
| 164 | Сиккатив ГОСТ В31-73 | 3211 00 0000 |
| 165 | Пигменты, диспергированные в неводных средах, жидкие или пастообразные, используемые при производстве красок (включая эмали) | 3212 90 3100<br>3212 90 3800 |
| 166 | Средства для смазки машин, механизмов и транспортных средств | 3403 19 9100 |
| 167 | Составы для смазки машин, механизмов и транспортных средств | 3403 99 1000 |
| 168 | Активированный уголь | 3802 10 0000 |
| 169 | Средства отделочные, используемые в текстильном производстве (делинол, герафил, деплувин) | 3809 91 0000 |
| 170 | Полиэтилен высокого давления | 3901 10* |
| 171 | Полипропилен | 3902 10 0000 |
| 172 | Смола поливинилхлоридная | 3904 10 0010 |
| 173 | Пластикат (пластифицированный ПВХ) | 3904 22 0000 |
| 174 | Полимеры акриловые в первичных формах | 3906* |
| 175 | Смола ЭД 20 | 3907 30 0000 |
| 176 | Лакокрасочный материал GA-060 ТУ6-10-612-76 | 3208*<br>3209*<br>3210* |
| 177 | Полиэфиры ненасыщенные, жидкие, сложные | 3907 91 1000 |
| 178 | Пленка многослойная термоформируемая | 3921* |
| 179 | Пористые термопанели и блоки из пластмасс | 3921 11 – 3921 13* |
| 180 | Графитовые электроды | 8545 19 9000 |
| 181 | Сульфат натрия | 2833 11 0000 |
| 182 | Красители и химикаты для текстильной промышленности | 3204 – 3210* |
| 183 | Суперконцентрированные красители | 3204 – 3210* |
| 184 | Флексографическая краска | 3215* |

**По данной позиции при разработке паспорта проекта локализации необходимо соответствующее уточнение и согласование в Минэкономики.*

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## «ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 26-27-сон, 251-модда)*

«Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишнинг тўлиқ амал қилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (кейинги ўринларда мажбурий суғурта қилиш деб аталади) бўйича суғурта пули 3 минг АҚШ доллари эквивалентига тенг миқдорда белгилансин.

2. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ташкил этилсин, қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

транспорт воситаларидан фойдаланишда жабрланувчига унга етказилган зарарни кафолатли тўлашни мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўловларини амалга ошириш йўли билан таъминлаш;

мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта мукофотлари бўйича сийлов ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг айрим тоифаларини кўрсатиб ўтилган сийловларни компенсация қилиш йўли билан қўллаб-қувватлаш тизимини молиявий таъминлаш;

мажбурий суғурта қилиш, шу жумладан мажбурий суғурта қилиш шартномалари тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган, суғурта ҳодисалари тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот базасини, суғурта қилдирувчилар ва жабрланганлар тўғрисидаги шахсий маълумотларни шакллантириш, суғурта сирлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни таъминлаган ҳолда суғурталовчилар билан Жамғарма ўртасида кўрсатиб ўтилган маълумотларни айирбошлашни ташкил этиш;

Жамғарманинг унга юкланган асосий вазифаларни амалга ошириш бўйича фаолиятини тартибга солувчи қоидаларни ишлаб чиқиш ҳамда суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича махсус ваколатли давлат органи билан келишган ҳолда тасдиқлаш.

3. Қуйидагилар:

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Жамғарманинг кузатув кенгаши таркиби ва дирекцияси тузилмаси 2* ва 3**-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Жамғарманинг кузатув кенгаши, суғурталовчилар билан биргаликда икки ҳафта муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

2008 йил 21 октябргача бўлган муддатда мажбурий

**2-илова берилмайди.*

***3-илова «Норма маслаҳатчи»да чоп этилмайди.*

суғурта қилишни амалга оширувчи суғурталовчилар билан ўз фаолиятини суғурта қилиш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлаштириш, шунингдек 2008 йил 22 октябрдан бошлаб ўз фаолиятини кўрсатиб ўтилган лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлаштирмаган суғурталовчилар лицензияларининг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиш;

Жамғарманинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш, Жамғарма дирекциясини жойлаштириш ҳамда уни зарур алоқа техникаси ва воситалари билан жиҳозлаш, Жамғарма томонидан мажбурий суғурта қилишни амалга оширувчи барча суғурталовчилар билан ёзма битимлар тузиш, шунингдек Жамғарма томонидан 2008 йил 21 октябргача ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун зарур ҳажмдаги маблағларни шакллантириш;

республиканинг барча ҳудудларида мажбурий суғурта қилишни ташкил этиш учун суғурталовчилар филиалларининг ва бошқа алоҳида бўлинмаларининг кенг шохобчаларини ташкил этиш;

оммавий ахборот воситалари орқали мажбурий суғурта қилишнинг жорий этилаётган тартиби тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, шунингдек суғурталовчилар ходимлари учун ўқув курслари ва семинарлар ташкил этиш.

5. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга 5-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

7. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машиналар ва механизмлар эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида» 1994 йил 30 декабрдаги 632-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 12-сон, 56-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 72-модда) 3-илованинг V банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 30 декабрдаги 632-сон қарорига мувофиқ 2008 йилда тузилган транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машиналар ва механизмлар эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаларининг амал қилиши кўрсатиб ўтилган Ҳукумат қарори ўз кучини йўқотган кундан бошлаб муддатидан олдин тўхтатилган ҳисобланади, бунда суғурталовчиларнинг мазкур санагача содир бўлган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товонини тўлашга доир мажбуриятлари сақланиб қолади.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Ушбу қарорнинг 1, 5, 7 ва 8-бандлари «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга кирган кундан бошлаб амал қилади.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 24 июнь*
*141-сон.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 24 июндаги 141-сон қарорига*
*1-ИЛОВА*

## ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТЎЛОВЛАРНИ КАФОЛАТЛАШ ЖАМҒАРМАСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси (кейинги ўринларда «Жамғарма» деб юритилади) транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (кейинги ўринларда «мажбурий суғурта қилиш» деб юритилади) бўйича тўловларни кафолатлаш мақсадида ташкил этилади.

2. Жамғарма ўз фаолиятида «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Жамғарма юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси банкларида ҳисоб рақамларига, шу жумладан хорижий валютадаги ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган думалоқ муҳрга, штампларга ва бланкаларга эга бўлади.

Жамғарма молиявий ёрдам бериш ва хайрия фаолияти билан шуғулланишга, шунингдек юридик шахсларнинг муассиси (қатнашчиси) бўлишга ва суғурта ташкилотларининг устав сармоясида қатнашишга ҳақли эмас.

4. Жамғарманинг устав сармояси суғурталовчилар — аъзолар (кейинги ўринларда «суғурталовчилар» деб юритилади)нинг бир йўла тўланадиган бадаллари ҳисобига шаклланади. Жамғарма ўз мажбуриятлари бўйича ўзининг барча мол-мулки билан жавоб беради.

### II. ЖАМҒАРМАНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

5. Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

транспорт воситаларидан фойдаланишда жабрланувчига унга етказилган зарарни кафолатли тўлашни мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўловларини амалга ошириш йўли билан таъминлаш;

транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта мукофотлари бўйича сийлов ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг айрим тоифаларини кўрсатиб ўтилган сийловларни компенсация қилиш йўли билан қўллаб-қувватлаш тизимини молиявий таъминлаш;

мажбурий суғурта қилиш, шу жумладан мажбурий суғурта қилиш шартномалари тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган, суғурта ҳодисалари тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот базасини, суғурта қилдирувчилар ва жабрланганлар тўғрисидаги шахсий маълумотларни шакллантириш, суғурта сирлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни таъминлаган ҳолда суғурталовчилар билан Жамғарма ўртасида кўрсатиб ўтилган маълумотларни айирбошлашни ташкил этиш;

Жамғарманинг унга юкланган асосий вазифаларни

амалга ошириш бўйича фаолиятини тартибга солувчи қоидаларни ишлаб чиқиш ҳамда суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича махсус ваколатли давлат органи билан келишган ҳолда тасдиқлаш.

6. Жамғарма қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида қуйидаги функцияларни амалга оширади:

белгиланган тартибда жабрланувчиларга компенсация тўловлари тўлайди, шунингдек регресс талабларни амалга оширади;

суғурталовчилар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ кўрсатиб ўтилган сийловларни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифаларига берилган суғурта мукофотлари бўйича сийловларни компенсация қилади;

Жамғарманинг ўз ваколатларини амалга ошириши учун зарур бўлган ахборотларни махсус ваколатли давлат органи билан доимий равишда айирбошлайди;

суғурталовчилар билан мажбурий суғурта қилиш, қонун ҳужжатларида белгиланган суғурта сири тўғрисидаги талаблар таъминланиши тўғрисидаги маълумотларни айирбошлайди;

Жамғарма маблағлари тушуми ва сарфи бўйича йиллик ва чораклик прогнозларни шакллантиради;

транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид таклифларни ишлаб чиқади ва махсус ваколатли давлат органига кўриб чиқиши учун киритади;

мажбурий суғурта қилиш соҳасида халқаро алоқаларни амалга оширади, хорижий тажрибани ўрганади ва ундан фойдаланади.

Жамғарма ўз вазифалари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## III. ЖАМҒАРМАНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Жамғарма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурталовчилардан тузилган мажбурий суғурта шартномалари сони, тўпланган суғурта мукофотлари миқдори, мажбуриятлар ва тўланган суғурта қопловлари тўғрисидаги ахборотни белгиланган тартибда олиш;

Жамғарма маблағларини ушбу Низомда назарда тутилган тартибда жойлаштириш.

Жамғарма ўзига юкланган вазифаларга ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Жамғарма қуйидагиларга мажбур:

махсус ваколатли давлат органига ушбу орган томонидан белгиланган шакл бўйича ва муддатларда молиявий ҳисобот ва бошқа ҳисоботларни тақдим этиш;

Жамғарманинг маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш;

оммавий ахборот воситаларида йилнинг ҳар чорагида суғурталовчилар — қатнашчилар рўйхатини эълон қилиш;

махсус ваколатли органнинг сўровига кўра мажбурий суғурта қилиш бўйича тегишли ахборотни тақдим этиш.

Жамғарма ўз вазифалари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## IV. ЖАМҒАРМА МОЛ-МУЛКИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УНИНГ МАБЛАҒЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

9. Жамғарманинг мол-мулки:

суғурталовчиларнинг бир йўла ва календарь тўланадиган бадаллари;

Жамғарма томонидан жабрланувчига етказилган зарар учун жавоб берувчи шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар амалга оширилишидан жабрланувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари)нинг тегишли талабларини кўриб чиқиш бўйича Жамғарма томонидан амалга оширилган компенсация тўловлари ва харажатларига оид маблағлар;

Жамғарманинг пул маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига шаклланади.

10. Суғурталовчининг Жамғармага бир йўла тўланадиган бадали Жамғармага бадал киритиш кунида суғурталовчи устав фондининг қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдорининг 0,1 фоизини ташкил этади.

11. Календарь бадал суғурталовчилар томонидан йилнинг ҳар чорагида Жамғармага ўтказиладиган пул маблағларидан иборат бўлади. Календарь бадал миқдори суғурталовчи билан тузилган мажбурий суғурта шартномалари бўйича умумий суғурта суммаси ҳисобот чорагида ўсиши ҳажмидан келиб чиқиб махсус ваколатли давлат органи билан келишув бўйича Жамғарманинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

Тўланган календарь бадаллар суммаси Жамғарманинг кузатув кенгаши томонидан белгиланган миқдорга етганда суғурталовчилар томонидан календарь бадаллар тўлаш махсус ваколатли давлат органи билан келишган ҳолда мажбурий суғурта шартномалари бўйича умумий суғурта суммасидан келиб чиқиб тўхтатиб турилади. Мажбурий суғурта шартномалари бўйича жами суғурта суммаси ўзгарган тақдирда суғурталовчи томонидан Жамғармага тўланган календарь бадаллар суммаси қайта ҳисоблаб чиқилиши керак.

12. Мажбурий суғурта қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилиши суғурталовчини Жамғармага календарь бадалларни тўлашдан озод қилмайди.

Календарь бадал ставкаси ўзгарган тақдирда Жамғарма бу ҳақда суғурталовчиларга тўлашнинг кейинги муддатидан олдин камида 30 кундан кечикмай хабар қилиши шарт.

13. Жамғарма маблағларидан фақат:

компенсация тўловлари тўлашда;

мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотларига оид сийловларни компенсация қилишда;

Жамғарма дирекцияси таъминоти учун;

ушбу Низомнинг 5-бандида назарда тутилган Жамғарманинг бошқа вазифаларини амалга ошириш учун фойдаланилади.

Жамғарманинг компенсация тўловларини молиялаштиришга ва суғурта мукофотлари бўйича сийловларни компенсация қилишга мўлжалланган маблағлари Жамғарманинг бошқа мол-мулкидан алоҳида ажратилади, улар бўйича алоҳида ҳисоб юритилади ва алоҳида банк ҳисоб рақами очилади.

14. Жамғарма дирекцияси таъминоти Жамғарманинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган харажатлар сметаси асосида Жамғарма маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

15. Жамғарма маблағларининг бир қисми вақтинча бўш бўлган тақдирда Жамғарманинг кузатув кенгаши ҳар йили ушбу маблағларни инвестиция қилиш йўналишлари ва ҳажмини тасдиқлаши мумкин. Жамғарманинг кўрсатиб ўтилган маблағларини инвестиция қилиш диверсификациялаш, қайтариш, фойда олиш ва ликвидлик шартларида амалга оширилади.

16. Жамғарма маблағларини давлат қимматли қоғозларига ва бошқа активларга жойлаштиришдан олинган Жамғарма даромадлари солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

17. Агар ҳомийлар ёки грант берувчилар томонидан Жамғармага Жамғарманинг мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ бўлган мақсадлар ва фойдаланиш шартлари кўрсатилган ҳолда маблағлар берилган тақдирда, ушбу маблағлардан ҳомийлар ёки грант берувчиларнинг кўрсатмаларига мувофиқ фойдаланилиши керак.

18. Мажбурий суғурта қилиш бўйича фаолият ихтиёрий тўхтатилиши муносабати билан Жамғармадан ихтиёрий чиқилган тақдирда, шунингдек суғурталовчи Жамғарма олдидаги мажбуриятларни бажармаганлиги учун ундан чиқарилганда суғурталовчи томонидан Жамғармага тўланган бадаллар қайтарилмайди.

19. Махсус ваколатли давлат органи томонидан компенсация тўловларини молиялаштириш ва суғурта мукофотлари бўйича сийловларни компенсация қилиш учун Жамғарманинг банк ҳисоб рақамидаги маблағларнинг энг кам суммасига нисбатан талаблар белгиланиши мумкин.

## V. СУҒУРТАЛОВЧИЛАРНИНГ ЖАМҒАРМА БИЛАН ЁЗМА БИТИМИНИ ТУЗИШ ВА УЛАРНИ АЪЗОЛИКДАН ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ

20. Жамғарма билан суғурта битими тузиш учун суғурталовчи Жамғармага ариза, Жамғарманинг устав сармоясини шакллантириш учун бир йўла тўланадиган бадал белгиланган миқдорда тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов топшириқномаси нусхасини тақдим этиши шарт.

21. Жамғарма махсус ваколатли давлат органини тузилган ёзма битимлар ва суғурталовчилар томонидан Жамғармага бир йўла тўланадиган бадал тўланганлиги тўғрисида хабардор қилади.

22. Суғурталовчилар:

суғурталовчининг фирма номи ва (ёки) жойлашган жойи ўзгарганда;

суғурталовчини қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда Жамғармага ёзма равишда маълум қилиши шарт.

23. Жамғарма билан ёзма битим тузган суғурталовчининг номи ва (ёки) жойлашган жойи ўзгарган тақдирда Жамғарма суғурталовчининг қайта рўйхатдан ўтказилиши ва лицензия қайта расмийлаштирилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар суғурталовчидан олинган пайтдан бошлаб 10 иш куни мобайнида Жамғарманинг суғурталовчилари — аъзолари реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади.

24. Суғурталовчи томонидан Жамғарма ва суғурталовчи ўртасида тузилган ёзма битимда назарда тутилган Жамғарма олдидаги мажбуриятлар мунтазам равишда бажарилмаган тақдирда Жамғарманинг кузатув кенгаши махсус ваколатли давлат органи билан келишган ҳолда суғурталовчи ва Жамғарма ўртасида тузилган битимни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин, ушбу қарор мажбурий суғурта қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш учун асос ҳисобланади.

25. Мажбурий суғурта қилиш бўйича фаолиятнинг ихтиёрий тўхтатилиши муносабати билан Жамғармадан ихтиёрий чиқилган, шунингдек Жамғарма олдидаги мажбуриятларни бажармаганлиги учун суғурталовчи ундан чиқарилган тақдирда суғурталовчи транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича илгари тузилган шартномалар бўйича ўз мажбуриятларини бажариши шарт.

## VI. ЖАМҒАРМАНИ БОШҚАРИШ

26. Кузатув кенгаши ва Жамғарма дирекцияси Жамғарманинг бошқарув органлари ҳисобланади.

27. Жамғарманинг кузатув кенгаши Жамғарма фаолиятига умумий раҳбарлик қилади.

28. Кузатув кенгашининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Кузатув кенгашига раис бошчилик қилади.

29. Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси ёки кузатув кенгаши аъзоларининг камида учдан бир қисмининг талаби бўйича заруриятга кўра, бироқ йил чорагида камида бир марта чақирилади.

Кузатув кенгаши, агар мажлисда унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, қарор қабул қилишга ҳақлидир. Агар ҳозир бўлганларнинг камида учдан икки қисми кузатув кенгаши қарори учун овоз берса, кузатув кенгаши қарори қабул қилинган ҳисобланади.

30. Кузатув кенгаши:

суғурталовчиларнинг календарь бадаллари ставкаларини, тўланган календарь бадалларининг чекланган суммасини, ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва бадалларни тўлаш муддатларини тасдиқлайди;

махсус ваколатли давлат органи билан келишган ҳолда банк-агентни танлайди;

Жамғарма маблағларини давлат қимматли қоғозларига ва бошқа активларга жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилади;

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартибини, шу жумладан жорий фаолият харажатларини тасдиқлайди;

Жамғарманинг ижро этувчи органини тузади ва унинг фаолиятини назорат қилади;

аудиторлик ташкилотини белгилайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

31. Жамғарманинг ижро этувчи органи Дирекция ҳисобланади. Дирекция жорий раҳбарликни амалга оширади ва Жамғарма фаолияти учун жавоб беради. Жамғарма дирекциясининг тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Жамғарма дирекциясига кузатув кенгаши томонидан тайинланадиган директор бошчилик қилади.

32. Жамғарма дирекцияси:

бир марталик ва календарь бадалларнинг суғурталовчилар томонидан ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилишини назорат қилади;

белгиланган тартибда компенсация тўловларини ва суғурта мукофотлари бўйича сийловлар компенсациясини амалга оширади;

жорий фаолият харажатлари сметасини тасдиқлаш учун кузатув кенгашига киритади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

33. Жамғарманинг директори кузатув кенгаши мажлисларида маслаҳат овози ҳуқуқи билан қатнашади.

## VII. ЖАМҒАРМАНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ ПРОГНОЗИНИ ТАЙЁРЛАШ, КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ТАСДИҚЛАШ

34. Дирекция ҳар йили суғурталовчиларнинг ажратмалари ва ўзга манбалардан бошқа тушумлар, шу жумладан халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг грантлари ва кредитларини жалб этиш, ҳам Ўзбекистон Республикаси резидентлари, ҳам норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг беғараз ёрдами шаклида навбатдаги йил учун Жамғарма тушумлари прогнозини амалга оширади.

35. Дирекция Жамғарма даромадлари прогнози асосида кейинги йил учун Жамғарма харажатлари прогнозини амалга оширади.

36. Навбатдаги йил учун Жамғарма даромадлари ва харажатлари прогнозлари дирекция томонидан кузатув кенгашига кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритилади.

Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари йиллик прогнозлари кузатув кенгаши томонидан келгуси йилнинг 10 январигача тасдиқланади.

37. Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари йиллик прогнозлари тасдиқлангандан кейин 30 кун мобайнида дирекция Жамғарманинг харажатлар сметасини ишлаб чиқади.

## VIII. ЖАМҒАРМАНИНГ МОЛИЯВИЙ ВА БОШҚА ҲИСОБОТЛАРИ

38. Жамғарма махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланган шакл бўйича ва муддатларда махсус ваколатли давлат органига молия ҳисоботини ва бошқа ҳисоботларни тақдим этади.

39. Жамғарманинг йиллик молия ҳисоботи ишончлилиги аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланиши керак.

40. Жамғарманинг йиллик молиявий ҳисоботи кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

41. Жамғарманинг йиллик молиявий ҳисоботи махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланган шакл бўйича ва муддатларда матбуотда эълон қилинади.

42. Жамғарманинг молиявий фаолияти ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилиши керак.

## IX. ЖАМҒАРМА МАБЛАҒЛАРИНИ САРФЛАШ ТАРТИБИ

43. Маблағларни тасдиқланмаган сметасиз, шунингдек Жамғарма харажатлари прогнозида назарда тутилмаган чора-тадбирларга ёки ҳам умуман смета бўйича, ҳам харажатларнинг алоҳида турлари бўйича смета вазифаларидан ортиқ бўлган суммаларда сарфлаш тақиқланади, энг кам ойлик иш ҳақи миқдори оширилган ҳоллар бундан мустасно.

44. Ушбу Низомда назарда тутилмаган мақсадлар учун Жамғарма ҳисоб рақамидан маблағларни ўтказиш ва вақтинча олиб қўйиш тақиқланади.

## X. СУҒУРТАЛОВЧИЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТНИ ЖАМҒАРМА ТОМОНИДАН ОЛИШ ВА ОШКОР ҚИЛМАСЛИК КАФОЛАТИ

45. Жамғарма ва махсус ваколатли давлат органи Жамғарма ўз ваколатларини амалга ошириши учун зарур бўлган ахборотни доимий равишда айирбошлайди.

46. Жамғарма, агар суғурталовчиларнинг фаолияти, уларнинг мижозлари тўғрисидаги ахборот Жамғарма ўз функцияларини амалга ошираётганда унга маълум бўлса, кўрсатиб ўтилган ахборот ошкор қилинмаслигини кафолатлайди, қонунга мувофиқ ахборотнинг ошкор қилинишига йўл қўйиладиган ҳоллар бундан мустасно.

47. Жамғарма томонидан кўрсатиб ўтилган ахборот ошкор қилинган тақдирда ҳуқуқлари бузилган шахс Жамғармадан бундай ошкор қилиш орқали ўзига етказилган зарарни қоплашини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. ЖАМҒАРМАНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

48. Жамғарма қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 24 июндаги 141-сон қарорига*
*4-ИЛОВА*

# ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Қоидалар транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (кейинги ўринларда «мажбурий суғурта қилиш» деб аталади) тартибини белгилайди.

2. Ушбу Қоидаларда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**транспорт воситасининг эгаси** — транспорт воситасининг мулкдори, шунингдек транспорт воситасига хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқида ёхуд бошқа қонуний асосда (мулк ижараси шартномаси, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончнома, тегишли органнинг мазкур шахсга транспорт воситасини топшириш тўғрисидаги фармойиши ва шу кабилар) эгалик қилувчи шахс. Ўз хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажариши туфайли, шу жумладан транспорт воситасининг мулкдори ёхуд ўзга эгаси билан меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси асосида транспорт воситасини бошқарувчи шахс транспорт воситасининг эгаси ҳисобланмайди;

**ҳайдовчи** — транспорт воситасини бошқарувчи шахс. Транспорт воситасини бошқариш ўргатилаётганда ўргатувчи шахс ҳайдовчи ҳисобланади;

**транспорт воситалари эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси** (кейинги ўринларда мажбурий суғурта шартномаси деб аталади) — суғурта шартномаси бўлиб, унга кўра суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганда жабрланувчиларга уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ушбу суғурта ҳодисаси оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта пули доирасида қоплаш мажбуриятини олади;

**транспорт воситасидан фойдаланиш** — транспорт воситасидан унинг йўлларда (йўл ҳаракатида), шунингдек уларга туташ, транспорт воситалари ҳаракати учун мўлжалланган ҳудудларда ҳаракатланишидан иборат бўлган фойдаланиш. Транспорт воситасига ўрнатилган ва транспорт воситасининг ҳаракатланишида иштирок этиши билан узвий боғлиқ бўлмаган ускуналардан фойдаланиш транспорт воситасидан фойдаланиш ҳисобланмайди;

**компенсация тўловлари** — мажбурий суғурта бўйича суғурта тўловини амалга ошириш мумкин бўлмаган ҳолларда, жабрланувчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига амалга ошириладиган тўловлар;

**жабрланувчи** — транспорт воситаси бошқа шахс томонидан фойдаланилаётганда ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган шахс;

**махсус давлат белгиси** — мажбурий суғурта қилиш шартномасида мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси билан бирга суғурта қилдирувчига бериладиган ва транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлиги суғурта қилинганлигини кўрсатадиган белги;

**суғурта қилдирувчи** — суғурталовчи билан мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузган транспорт воситасининг эгаси;

**суғурта мукофоти** — суғурта қилдирувчи мажбурий суғурта қилиш шартномасига мувофиқ суғурталовчига тўлаши шарт бўлган пул маблағлари суммаси;

**суғурта пули** — бу шундай суммаки, суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганда етказилган зарарнинг ўрнини унинг доирасида жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) қоплаш мажбуриятини олади;

**суғурта товони** — суғурталовчи мажбурий суғурта қилиш шартномасига мувофиқ суғурта ҳодисаси содир бўлганда жабрланувчига унинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига суғурта пули доирасида тўлаши шарт бўлган пул маблағлари суммаси;

**суғурта полиси** — мажбурий суғурта қилишни амалга оширишни тасдиқловчи белгиланган намунадаги ҳужжат;

**суғурта ҳодисаси** — мажбурий суғурта қилиш шартномасига кўра транспорт воситасидан фойдаланишда жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган, суғурта қилдирувчининг суғурта товонини амалга оширишига сабаб бўладиган зарар бўйича жавобгарлиги суғурта қилинган, суғурта қилдирувчи ёки бошқа шахснинг фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши;

**суғурталовчи** — мажбурий суғурта қилишга ҳақли тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс;

**транспорт воситаси** — йўлларда одамларни, багажни, юкларни ёки ўзига ўрнатилган асбоб-ускуналарни ташиш учун мўлжалланган қурилма.

3. Транспорт воситасига эгалик ҳуқуқи вужудга келганда (у мулк қилиб, хўжалик юритишига, оператив бошқаришга ёки бошқа қонуний асосда олинганда) транспорт воситаси эгаси унга эгалик қилиш ҳуқуқи вужудга келган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ўзининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилдириши шарт.

4. Фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мажбурияти қуйидаги транспорт воситалари эгаларига нисбатан татбиқ этилмайди:

энг катта конструктив тезлиги соатига 20 километрдан ошмайдиган транспорт воситалари;

тиркамалар ва икки, уч ғилдиракли ёки иш ҳажми 50 куб сантиметргача бўлган двигатель ёки инсон ёхуд ҳайвон кучи билан ҳаракатга келтириладиган бошқа транспорт воситалари;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг транспорт воситалари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг хўжалик фаолиятини таъминлаш учун фойдаланиладиган автобуслар, енгил автомобиллар, бошқа транспорт воситалари бундан мустасно;

чет давлатларда рўйхатдан ўтказилган транспорт воситалари, агар улар эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган халқаро мажбурий суғурта тизимлари доирасида суғурта қилинган бўлса;

эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги қонунга мувофиқ бошқа шахс томонидан суғурта қилинган транспорт воситалари.

5. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келишда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган халқаро мажбурий суғурта тизимларининг суғурта полислари мавжуд бўлмаган тақдирда чет давлатларда рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинчалик фойдаланилаётган транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигини ушбу транспорт воситаларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинчалик фойдаланишнинг бутун муддатига, лекин камида ўн беш кунга суғурта қилдириши шарт.

6. Транспорт воситаларидан фойдаланишда транспорт воситалари эгаларининг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келиши билан боғлиқ бўлган мулкий манфаатлари мажбурий суғурта объектидир.

Мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчининг ва (ёки) мажбурий суғурта шартномасида кўрсатилган транспорт воситаси бошқа эгасининг фуқаролик жавобгарлиги суғурта қилиниши мумкин.

7. Қуйидагилар оқибатида транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

мажбурий суғурта бўйича суғурта полисида кўрсатилмаган транспорт воситасидан фойдаланишда зарар етказиш;

маънавий етказилган зарар ва (ёки) бой берилган фойданинг ўрнини қоплаш бўйича мажбуриятнинг юзага келиши;

транспорт воситасидан махсус ажратилган жойларда мусобақалар, синовлар ёки ўқув ҳайдови давомида фойдаланишда зарар етказилганлиги;

атроф муҳитнинг ифлосланиши;

ташилаётган юк таъсирида зарар етказилиши, агар бундай жавобгарлик мажбурий суғуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий суғурта қилиниши керак бўлса;

ходимлар хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажараётганида уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилиши, агар бу зарарнинг мажбурий суғуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши лозим бўлса;

ходимга зарар етказилганлиги туфайли келиб чиққан зарарнинг ўрнини иш берувчи томонидан қоплаш бўйича мажбурияти;

ҳайдовчининг ўзи бошқараётган транспорт воситасига ва унинг тиркамасига, уларда ташилаётган юкка ва (ёки) уларга ўрнатилган асбоб-ускуналарга зарар етказилганлиги;

юкни ортиш ёки туширишда, шунингдек транспорт воситаси мазкур транспорт воситасининг эгаси бўлган корхона, муассаса ёки ташкилот ҳудудида ҳаракатланганида зарар етказилганлиги;

нодир ва бошқа ноёб буюмлар, меъморий ёдгорликлар, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар ва металлардан ишланган буюмларга, диний қадриятга эга буюмлар, санъат асарлари, қўлёзмалар, ноёб аудиовизуал асарларга ҳамда интеллектуал фаолиятнинг бошқа маҳсулларига, қимматли қоғозлар, нақд пулларга, шу жумладан чет эл валютасига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг йўқ қилинганлиги;

жабрланувчиларнинг суғурта ҳодисаси юзага келишига қаратилган қасддан қилган хатти-ҳаракатлари натижасида етказилган зарар.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолларда транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги юзага келган тақдирда етказилган зарарнинг ўрни улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши керак.

8. Йўл ҳаракатида қатнашаётган транспорт воситаси ҳайдовчисида мажбурий суғурта бўйича суғурта полиси мавжуд бўлиши, транспорт воситасининг ўзида эса махсус давлат белгиси ўрнатилган бўлиши шарт.

## II. МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ, ЎЗГАРТИРИШ ВА МУДДАТИДАН ОЛДИН ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

9. Мажбурий суғурта шартномаси оммавий ҳисобланади ва 1 йил муддатга тузилади, ушбу Қоидаларда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Транспорт воситаси олинганда (сотиб олинганда, мерос қилиб олинганда, ҳадяга олинганда ва шу кабилар) унинг эгаси транспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш жойига бориш муддатига мажбурий суғурта шартномасини тузишга ҳақлидир. Бунда транспорт воситасининг эгаси транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилгунига қадар бир йилга мажбурий суғурта шартномасини тузиши шарт.

Транспорт воситасидан мавсумий фойдаланишда унинг эгаси ундан фойдаланиш давридан иборат муддатга мажбурий суғурта шартномасини тузиш ҳуқуқига эга. Бунда кўрсатиб ўтилган муддат календарь йилда олти ойдан кам бўлиши мумкин эмас.

10. Транспорт воситасининг эгаси мажбурий суғуртани амалга оширувчи суғурталовчини танлаш ҳуқуқига эга.

11. Мажбурий суғурта шартномаси суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига суғурта полисини ва махсус давлат белгисини тақдим этиш йўли билан тузилади. Суғурта полиси ва махсус давлат белгиси ҳисобланган суғурта мукофоти тўлангандан кейин тақдим этилади.

Суғурта полиси ва махсус давлат белгиси бланкаси қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, улар ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганликнинг камида 3 та даражасига эга бўлиши керак. Суғурта полиси ва махсус давлат белгиси бланкалари суғурталовчининг буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмахона усулида, ушбу Қоидаларга 1 ва 2-иловаларга биноан суғурта полиси намунасига ҳамда махсус давлат белгиси шаклига мувофиқ тайёрланади.

Махсус давлат белгиси эгасининг фуқаролик жавобгарлиги суғурталанган транспорт воситасининг олд томонидаги ойнасининг юқоридаги ўнг бурчагига жойлаштирилади.

12. Мажбурий суғурта шартномасини тузиш учун суғурта қилдирувчи суғурталовчига ушбу Қоидаларга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза-анкетада кўрсатилган мажбурий суғурта шартномасини тузиш тўғрисидаги ариза-анкетани ҳар бир транспорт воситаси бўйича тақдим этади, унга қуйидаги ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади:

а) транспорт воситасини бошқаришга қўйилган суғурта қилдирувчи — жисмоний шахснинг ва бошқа шахсларнинг паспорти ёки бошқа шахсини тасдиқловчи гувоҳномаси (фотосурати ва рўйхатга олинганлик тўғрисидаги охирги ёзув қайд этилган варақлари);

б) транспорт воситасининг техник паспорти (счёт-маълумотномаси) ёки унинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ушбу Қоидаларнинг 14-бандида назарда тутилган ҳолатда — транспорт воситасининг олди-сотди (алмашиш, ҳадя қилиш) шартномасининг нусхаси);

в) транспорт воситасини бошқаришга берилган ишончнома ёхуд ушбу транспорт воситасига эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи бошқа ҳужжат – агар мажбурий суғурта шар-

тномаси транспорт воситасини бошқаришга фақат муайян шахсларгина бошқаришга қўйилиши шарти билан тузилган бўлса (транспорт воситасини бошқаришга қўйилган барча шахслар учун, транспорт воситаси эгасидан ташқари);

г) транспорт воситасини бошқаришга қўйилган барча шахсларнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси ёки барча ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар — транспорт воситасини бошқаришга фақат муайян шахслар қўйилиши шарти билан мажбурий суғурта шартномаси тузилган тақдирда;

д) суғурта қилдирувчи — жисмоний шахсларнинг ушбу Қоидаларнинг 33-бандига мувофиқ суғурта мукофоти бўйича сийлов олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифасига тегишлилигини тасдиқловчи (гувоҳнома, маълумотномалар ва шу кабилар) ҳужжатлар (агар бўлса).

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг асл нусхалари уларнинг нусхалари билан таққослаш учун тақдим этилади, ушбу банднинг «д» кичик бандида кўрсатилган ҳужжатлар бундан мустасно. Ушбу банднинг «д» кичик бандида назарда тутилган ҳужжатларнинг нусхалари нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Суғурта қилдирувчи суғурталовчига тақдим этилаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ҳақиқийлиги учун жавобгар ҳисобланади.

13. Суғурта қилдирувчи ушбу Қоидаларнинг 12-бандида санаб ўтилган ҳужжатларга қўшимча равишда ушбу Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ шакл бўйича ўтган 5 йил мобайнида мажбурий суғурта шартномаси тузилган суғурталовчилар томонидан берилган транспорт воситасини бошқаришга қўйилган ҳар бир шахс бўйича суғурталаш тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

Суғурталаш тўғрисидаги маълумотларни:

мажбурий суғурта шартномасини биринчи марта тузаётган шахс;

транспорт воситасини бошқаришга қўйилган шахс сифатида мажбурий суғурта қилишда биринчи мартда қатнашаётган шахслар;

олдинги мажбурий суғурта шартномасини тузган суғурталовчи бўйича, шунингдек мажбурий суғуртанинг олдинги шартномасида кўрсатилган транспорт воситасини бошқаришга қўйилган шахслар бўйича ушбу суғурталовчига тақдим этиши талаб қилинмайди.

14. Агар суғурта қилдирувчи ўзи эгаси бўлган транспорт воситасини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш вақтигача белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса, мажбурий суғурта шартномасини тузиш тўғрисидаги аризани тўлдиришда «Давлат рўйхатидан ўтказиш рақами» сатрини тўлдирмайди. Транспорт воситаси давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб 3 иш куни мобайнида суғурта қилдирувчи суғурталовчига техник паспорт ёки давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини тақдим этиши шарт, суғурталовчи кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар асосида мажбурий суғурта бўйича суғурта полиси бланкасида тегишли ёзувни қайд этади.

15. Транспорт воситасининг эгаси ўзига тегишли транспорт воситасидан чекланган тарзда фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда мажбурий суғурта шартномасини тузишга ҳақлидир. Транспорт воситасидан йил давомида фойдаланиш даври, шунингдек уни бошқаришга қўйилган барча ҳайдовчилар мажбурий суғурта шартномасини тузиш тўғрисидаги аризада ва суғурта полисида кўрсатилади.

16. Мажбурий суғурта шартномаси амал қиладиган даврда суғурта қилдирувчи суғурталовчига мажбурий суғурта шартномаси тузиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ёзма шаклда зудлик билан хабар қилиши шарт.

17. Суғурталовчи мажбурий суғурта шартномасини тузишда тақдим этилган маълумотлардаги ўзгаришлар тўғрисидаги аризани суғурта қилдирувчидан олган тақдирда зарурат бўлганда мажбурий суғурта бўйича суғурта полисини қайта расмийлаштиради.

Агар суғурта қилдирувчи хабар қилган ўзгаришлар мажбурий суғурта бўйича суғурта полисидаги ва махсус давлат белгисидаги мавжуд маълумотларга тааллуқли бўлса суғурталовчи суғурта қилдирувчига 3 иш куни мобайнида қайта расмийлаштирилган мажбурий суғурта бўйича суғурта полисини ва махсус давлат белгисини бериши шарт. Суғурта қилдирувчидан қайта расмийлаштирилган мажбурий суғурта бўйича суғурта полиси ва махсус давлат белгиси олган тақдирда, у илгари берилган мажбурий суғурта бўйича суғурта полисини ва махсус давлат белгисини қайтариб бериши шарт. Суғурталовчи томонидан қайтариб берилган мажбурий суғурта бўйича суғурта полиси ва махсус давлат белгиси қайта расмийлаштирилган ҳужжатларнинг иккинчи нусхалари билан бирга суғурталовчида сақланади.

18. Мажбурий суғурта бўйича суғурта полиси ва махсус давлат белгиси йўқотиб қўйилган тақдирда суғурта қилдирувчи уларнинг дубликатларини олиш ҳуқуқига эга. Бунда суғурта қилдирувчи суғурталовчининг дубликатларни тайёрлаш учун қилган харажатлари ҳақини тўланган суғурта мукофоти суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда тўлаши керак.

Дубликатлар суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчи мурожаат қилган ва у дубликатларни тайёрлаш бўйича харажатларни тўлаган кундан бошлаб икки кун муддатда берилади.

19. Мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиши:

а) транспорт воситасидан фойдаланиш белгиланган тартибда тақиқланганда;

б) мажбурий суғурта полисида кўрсатилган транспорт воситаси бундан буён фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолганда;

в) транспорт воситасининг эгаси ўзгарганда муддатидан олдин тўхтатилади.

Мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

20. Мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиши муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда суғурта мукофотининг бир қисми тўланган товон суммасига ва мажбурий суғурта тўғрисидаги шартноманинг амал қилишининг кунлар ҳисобидаги қолган муддатига мутаносиб равишда қайтарилади. Бунда мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиши ушбу Қоидаларнинг 19-банди «а», «б» ва «в» кичик бандларида кўрсатилган бошқа асосларга кўра муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда суғурталовчи суғурта мукофотининг қайтарилаётган қисмидан унинг ушбу мажбурий суғурта шартномаси бўйича исбот қилинадиган харажатлари суммасини суғурта мукофотининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда чегириши мумкин.

Суғурта қилдирувчига (унинг қонуний вакилларига, меросхўрларига, ҳуқуқий ворисларига) суғурта суммасининг бир қисмини ушбу бандда назарда тутилган ҳолларда қайтариш суғурта қилдирувчининг (унинг қонуний вакиллари, меросхўрлари, ҳуқуқий ворислари) тегишли тартибда мурожаат қилган кунидан бошлаб 14 календарь кун мобайнида амалга оширилади.

21. Суғурталовчи суғурта қилдирувчининг ёки мажбурий суғурта бўйича суғурта полисида кўрсатилган ҳайдовчининг тегишли мурожаати санасидан бошлаб 5 кун муддатда унга ушбу Қоидаларга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича суғурта қилиш тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши шарт. Кўрсатиб ўтилган маълумотларни тақдим этганлик учун тўлов ундирилмайди.

22. Мажбурий суғурталаш шартномаси бўйича суғурталовчини алмаштириш ушбу суғурталовчи томонидан бошқа суғурталовчи билан тузилган шартнома асосида, ушбу Қоидаларнинг 23 — 25-бандлари талабларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

23. Суғурталовчини алмаштиришга махсус ваколатли давлат органининг ва суғурталовчининг қайси суғурта қилдирувчилар олдидаги мажбуриятлари мажбурий суғурта шартномаси бўйича бошқа суғурталовчига ўтказилган бўлса, суғурта қилдирувчиларнинг розилиги билан йўл қўйилади. Бундан ташқари, мажбуриятлар бошқа суғурта-

ловчига ўтказиладиган мажбурий суғурта шартномалари бўйича суғурта тўловларини амалга оширишни талаб қилаётган жабрланувчиларнинг (улар меросхўрларининг ёки ҳуқуқий ворисларининг) розилигини олиш зарур.

Мажбурий суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларни қабул қилувчи суғурталовчининг суғурта қилдирувчилар ва жабрланувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) суғурталовчини алмаштиришга рози эканлиги тўғрисидаги сўрови ёзма шаклда амалга оширилади. Сўровда суғурта қилдирувчиларнинг ва жабрланувчиларнинг (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворисларининг) алмаштиришни рад этиш ҳуқуқи тушунтириб берилиши керак.

24. Суғурта қилдирувчилар ва жабрланувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) суғурталовчининг алмаштирилишига рози бўлиш ёхуд рад этишга ҳақлидирлар. Суғурта қилдирувчилар ва жабрланувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) мажбурий суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларни топширувчи ёки қабул қилиб олувчи суғурталовчини ўз қарори тўғрисида ёзма шаклда хабардор қиладилар.

25. Махсус ваколатли давлат органи, агар:

мажбурий суғурта шартномалари бўйича мажбуриятларни қабул қилиб олувчи суғурталовчи мажбурий суғурта бўйича суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлмаса;

суғурталовчининг мажбурий суғурта шартномаси бўйича ўзига берилаётган мажбуриятларни қабул қилиб олиши қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган бажарилиши мажбурий бўлган тўловга қобилиятлилик нормативларининг бузилишига сабаб бўлса;

суғурталовчининг алмаштирилиши тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари талабларига номувофиқ бўлса, суғурталовчининг алмаштирилишини рад этишга ҳақлидир.

## III. СУҒУРТА ПУЛИ, СУҒУРТА МУКОФОТИ ВА СУҒУРТА МУКОФОТИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

26. Суғурта пули мажбурий суғурта шартномасида миллий валютада кўрсатилади ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий суғурта шартномаси тузилган кундаги курси бўйича белгиланади.

27. Мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофотининг миқдори ушбу Қоидаларга 5-иловага биноан суғурта тарифларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

Мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиш муддати мобайнида суғурта тарифларининг ўзгариши суғурта қилдирувчи томонидан тўлов вақтидаги амалда бўлган суғурта тарифлари бўйича тўланган суғурта мукофотининг ўзгаришига олиб келмайди.

28. Мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофотини ҳисоблаш суғурталовчи томонидан мажбурий суғурта шартномасини тузиш тўғрисидаги ариза-анкетада суғурта қилдирувчи томонидан кўрсатилган маълумотлардан, шунингдек ушбу Қоидаларга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича тақдим этилган маълумотлардан ҳамда суғурталовчида мавжуд бўлган, ҳужжатлар асосида тасдиқланган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

29. Агар мажбурий суғурта шартномаси тузилгандан кейин мажбурий суғурта шартномасини тузиш тўғрисидаги ариза-анкетада суғурта қилдирувчининг нотўғри ва (ёки) хато маълумотлар кўрсатганлиги аниқланса, суғурта мукофоти миқдорлари мажбурий суғурта шартномаси тузилган вақтда амалда бўлган суғурта тарифларига мувофиқлаштирилиши керак.

30. Мажбурий суғурта шартномаси шартлари у амал қилган муддат мобайнида ўзгарган тақдирда, шунингдек ушбу Қоидаларда назарда тутилган бошқа ҳолатларда суғурта мукофоти миқдори ўзгарган шартларга мувофиқ равишда тузатилади. Бунда томонларнинг суғурта мукофотини ўзаро ҳисоб-китоб қилишга тааллуқли бўлган мажбуриятлари мажбурий суғурта шартномаси шартларига ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб 3 иш кунидан кечикмай бажарилиши керак.

31. Мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофотининг барча коэффициентлари қўлланишини ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритилган энг юқори миқдори базавий ставканинг беш бараваридан ошиши мумкин эмас.

Суғурта қилинувчи суғурталовчидан тўланиши керак бўлган суғурта мукофотининг ёзма ҳисоб-китобини талаб қилишга ҳақлидир. Зарур маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда суғурталовчи ана шундай ҳисоб-китобни суғурта қилдирувчидан тегишли ёзма ариза олинган кундан бошлаб 2 иш куни мобайнида тақдим этиши шарт.

32. Мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофоти суғурта қилдирувчи томонидан суғурталовчига (унинг филиалига ёки суғурта агентига) мажбурий суғурта шартномасини тузиш вақтида нақд ёки нақдсиз ҳисоб-китоб йўли бўйича бир йўла тўланади.

Нақд ҳисоб-китоб бўйича суғурта мукофотини тўлашда суғурталовчи (унинг филиали ёки суғурта агенти) томонидан пул маблағлари қабул қилинган сана тўлов санаси ҳисобланади. Нақдсиз ҳисоб-китоб бўйича суғурта мукофотини тўлашда пул маблағларининг суғурталовчининг (унинг филиали ёки суғурта агентининг) банкдаги ҳисоб рақамига тушган санаси суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

33. Мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофоти тўлашда қуйидаги суғурта қилдирувчиларга суғурта мукофоти суммасининг 50 фоизи миқдорида сийлов берилади:

1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ёки партизанлари ёхуд уларга тенглаштирилган шахслар;

1941-1945 йиллардаги уруш даври меҳнат фронти фахрийлари;

концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари;

ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришда яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг ота-онасидан бири ёки бошқа турмуш қурмаган беваси;

Чернобиль АЭСдаги авария оқибатида жабрланганлар;

пенсионерлар;

ногиронлар.

Ушбу бандда назарда тутилган сийловлар Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан, суғурталовчининг суғурта мукофотига доир сийловни компенсация қилиш масаласи юзасидан ёзма равишда мурожаати олинган кундан эътиборан ўн беш календарь кун ичида қопланади.

Сийлов ушбу бандда кўрсатилган суғурта қилинувчининг ўзига тегишли бўлган битта транспорт воситаси бўйича фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишда берилади.

Ушбу бандга мувофиқ берилган сийлов тўғрисида мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида тегишли белги қўйилади.

## IV. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ СОДИР БЎЛГАНДА ШАХСЛАРНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ

34. Жабрланувчиларга зарар етказилишига олиб келган йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчиси бўлган суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) мазкур ҳодисанинг бошқа иштирокчилари талабига кўра уларга ушбу транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги суғурталанган мажбурий суғурта шартномаси тўғрисидаги маълумотларни хабар қилиши шарт.

Суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) ёки унинг ваколатли вакили суғурта ҳодисаси содир бўлганда:

жабрланувчига (унинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига) йўл-транспорт ҳодисаси кунидан бошлаб уч календарь кундан кечиктирмай суғурта полисининг нусхасини топшириши;

давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг етиб келишини кутиши, имкони борича йўл-транспорт ҳодисаси гувоҳларининг фамилияси ва манзилини ёзиб олиши;

дарҳол, йўл-транспорт ҳодисасидан кейин 72 соатдан кечиктирмай, содир бўлган ҳодиса ҳақида ушбу Қоидаларга 6-иловага мувофиқ ёзма шаклда, суғурта полисининг нусхасини илова қилган ҳолда суғурталовчига (унинг филиалига) йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдаги ва транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига билдириши керак. Билдиришномада ҳодисанинг хусусияти, содир бўлган пайти, кўрилиши тахмин қилинган зарарнинг миқдори, йўл-транспорт ҳодисасига алоқадор барча шахсларнинг, шу жумладан тахмин қилинган даъвогарларнинг номлари ва манзилларига тааллуқли ахборот имкон қадар тўлиқ ҳажмда, шунингдек суғурта қилдирувчи ҳодиса ҳақида илк маротаба қай тарзда хабардор бўлганлиги ва суғурта қилдирувчининг нега ҳодисани талабнома билдиришга сабаб бўлиши мумкин деб ҳисоблашига оид тафсилотлар мажбурий тартибда кўрсатилиши керак;

суғурталовчига суғурта ҳодисаси муносабати билан унга нисбатан қўйилаётган барча талаблар ёки унга қарши бошланган суд муҳокамаси тўғрисида дарҳол хабар қилиши, зарар етказилиши ҳолатлари тўғрисидаги барча маълумотларни ва ваколатли органлардан олинган, суғурта ҳодисасининг сабаблари ҳамда оқибатларини, зарарнинг хусусияти ва миқдорини белгилаш учун зарур бўлган ҳужжатларни суғурталовчига тақдим этиши;

зарарнинг олдини олиш ва (ёки) камайтириш юзасидан мумкин бўлган барча чораларни кўриши керак.

35. Суғурталовчи (унинг филиали) ходимлари йўл-транспорт ҳодисаси ҳолатларини ва суғурта қилдирувчи ёки жабрланувчининг хабарига кўра етказилган зарарни аниқлаш учун йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги ҳужжатларни расмийлаштиришда қатнашишлари мумкин. Ўзининг суғурта тўлови ҳуқуқидан фойдаланиш ниятида бўлган жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) суғурталовчига ўз ҳаётига, соғлиғига ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарар ўрнини суғурта пули доирасида қоплаш тўғрисидаги талаб билан ёзма аризани жўнатиши шарт.

36. Жабрланувчи суғурта тўлови тўғрисидаги аризани жабрланувчининг яшаш жойидаги ёхуд йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдаги суғурталовчига (унинг филиалига) жўнатади.

37. Жабрланувчининг ёки унинг меросхўрларининг (агар жабрланувчининг аҳволи мустақил равишда мурожаат қилишга имкон бермаса, қариндошлари ёки бошқа вакилларининг) ёхуд унинг ҳуқуқий ворисларининг суғурта тўлови тўғрисидаги талаби кўрсатилган аризаси қуйидагиларнинг асли ёки нусхалари илова қилинган ҳолда суғурталовчига ёки унинг вакилига юборилади:

суғурта полиси (агар бўлса);

зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хулоса ёки қарор, тиббиёт муассасаси маълумотномаси ёхуд ҳаётга ёки соғлиққа зарар етказилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, ўлим ҳақидаги далолатнома ёхуд гувоҳнома);

мол-мулкка зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (тижорат далолатномалари, юк хатлари, асосий воситалар дафтаридан кўчирмалар, тўлов ҳужжатлари, хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш учун тузилган шартномалар, мол-мулкни мустақил баҳолаш далолатномалари ва бошқа шу кабилар);

жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

мерос ҳуқуқини ёки ҳуқуқий ворисликни олганликларини, шунингдек меросхўрларнинг шахсини ёки ҳуқуқий ворисларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар суғурта товони жабрланувчининг меросхўрларига ёхуд ҳуқуқий ворисларига тўланиши керак бўлса).

38. Агар жабрланувчи айни бир вақтда суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) ҳисобланса, у ҳолда суғурта ҳодисасини тўғридан-тўғри ҳал этиш қўлланиши мумкин.

Суғурта ҳодисасини тўғридан-тўғри ҳал этишда суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) бўлган жабрланувчи ўзи билан мажбурий суғурта шартномасини тузган суғурталовчига ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун ёзма шаклда мурожаат қилишга ҳақли.

Суғурта ҳодисасини тўғридан-тўғри ҳал этиш қўлланилганда айбдор тарафнинг суғурталовчиси жабрланувчининг суғурталовчисига жабрланувчига суғурта товонини тўлаш билан боғлиқ барча харажатларни қоплайди.

## V. ЖАБРЛАНУВЧИЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКИГА ЗАРАР ЕТКАЗИЛГАНДА СУҒУРТА ТЎЛОВИ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ

39. Жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказилганда суғурта тўлови суғурта пулининг 35 фоизидан ошиши мумкин эмас.

40. Мол-мулкка зарар етказилганда жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) шикастланган мол-мулкни ёки унинг қолдиқларини зарар етказилиши ҳолатларини аниқлаш ва ўрни қопланиши лозим бўлган зарарнинг миқдорини белгилаш мақсадида суғурталовчига кўздан кечириш ва мустақил экспертизани (баҳолашни) ташкил этиш учун ўз ташаббуси билан ёки суғурталовчининг сўровига биноан тақдим қилиши шарт.

41. Жабрланувчи (унинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) ёзма равишда мурожаат этган кундан эътиборан беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда, агар улар ўртасида ёзма шаклда бошқа муддат келишилмаган бўлса, суғурталовчи шикастланган мол-мулкни ёки унинг қолдиқларини кўздан кечириши ва унинг мустақил экспертизасини (баҳоланишини) ташкил этиши шарт.

Суғурталовчи жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) билан, суғурталовчининг, экспертнинг иш жадвалини ҳисобга олган ҳолда, кўздан кечириш вақти ва жойини ва (ёки) шикастланган мол-мулкни мустақил экспертизадан (баҳолашдан) ўтказадиган ташкилотни ҳамда ушбу банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган шикастланган мол-мулкни кўздан кечиришни ўтказиш муддатини келишиб олиши, жабрланувчи (унинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) эса суғурталовчи билан келишилган вақтда шикастланган мол-мулкни кўрсатиши шарт.

42. Агар шикастланишларнинг хусусияти ёки шикастланган мол-мулкнинг ёхуд унинг қолдиқларининг ўзига хос хусусиятлари мол-мулкни суғурталовчи ва (ёки) эксперт жойлашган ерда кўздан кечириш ҳамда мустақил экспертизани (баҳолашни) ташкил этиш учун тақдим этилишини истисно этса (транспорт воситасининг йўл ҳаракатида иштирок этишини истисно этадиган тарзда шикастланганлиги ва бошқа ҳолларда), кўздан кечириш ва мустақил экспертиза (баҳолаш) шикастланган мол-мулк ёки унинг қолдиқлари турган ерда ушбу Қоидалар 41-банди биринчи хатбошида кўрсатилган муддатда ўтказилади.

43. Агар жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) томонидан тақдим этилган шикастланган мол-мулкни ёки унинг қолдиқларини кўздан кечириш ва мустақил экспертизадан (баҳолашдан) ўтказиш суғурта ҳодисаси мавжудлигини ва мажбурий суғурта шартномаси бўйича ўрни қопланиши керак бўлган зарарлар миқдорини ҳаққоний аниқлаш имконини бермаса, суғурталовчи кўрсатиб ўтилган ҳолатларни аниқлаш учун суғурта қилинувчининг фойдаланиш вақтида жабрланувчига зарар етказилган транспорт воситасини кўздан кечиришга ва (ёки) ушбу транспорт воситасига ёки унинг қолдиқларига нисбатан такрорий мустақил экспертиза (баҳолаш) ташкил этишга ҳақлидир. Суғурта қилдирувчи ушбу транспорт воситасини ёки унинг қолдиқларини суғурталовчининг талабига кўра мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилган тартибда тақдим этиши шарт.

44. Агар суғурталовчи шикастланган мол-мулкни ёки

унинг қолдиқларини ушбу Қоидаларнинг 41-банди биринчи хатбошида белгиланган муддатда кўздан кечирмаган ва (ёки) мустақил экспертизасини (баҳоланишини) ташкил этмаган бўлса, у ҳолда жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) шикастланган мол-мулкни ёки унинг қолдиқларини суғурталовчига кўздан кечириш учун тақдим этмаган ҳолда шундай экспертиза (баҳолаш) ташкил этилиши учун мустақил тарзда ёзма шаклда мурожаат қилишга ҳақли. Бу ҳолда суғурталовчи мустақил экспертиза (баҳолаш) натижалари юзасидан низолашишга ҳақли эмас.

45. Бир нечта жабрланувчиларнинг мол-мулкига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг суғурта қопловчи миқдори ҳар бир жабрланувчининг мол-мулкига етказилган зарур даражасига мутаносиб равишда, ушбу Қоидаларнинг 39-бандида белгиланган сумма доирасида аниқланади.

46. Агар шикастланган мол-мулкни ёхуд унинг қолдиқларини кўздан кечириш ва мустақил экспертиза қилишга (баҳолашга) қадар ушбу модда талабларига мувофиқ амалга оширилган шу мол-мулкни таъмирлаш ёки унинг қолдиқларини утилизация қилиш суғурта ҳодисасининг мавжудлигини ва мажбурий суғурта шартномаси бўйича ўрни қопланиши лозим бўлган зарарларнинг миқдорини тўғри аниқлаш имконини бермаса, суғурталовчи жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурта тўловини ёки унинг бир қисмини тўлашни рад этишга ҳақли.

47. Суғурта тўлови амалга оширилишига асос бўлган мустақил экспертиза (баҳолаш) қиймати мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи томонидан ўрни қопланиши лозим бўлган зарарлар таркибига киритилади.

### VI. ЖАБРЛАНУВЧИЛАРНИНГ ҲАЁТИ ВА СОҒЛИҒИГА ЗАРАР ЕТКАЗИЛГАНДА СУҒУРТА ТОВОНИ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ

48. Жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда суғурта товонининг миқдори суғурта пулининг 65 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

49. Бир нечта жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчига (унинг меросхўрига) тегадиган суғурта товони миқдори ҳар бир жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг даражасига мутаносиб равишда, ушбу Қоидаларнинг 48-бандида белгиланган сумма доирасида аниқланади.

50. Жабрланувчининг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва мажбурий суғурта шартномаси бўйича тўлов миқдори етказилган зарар мавжудлигини ва миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хулоса ёки қарор, тиббиёт муассасасидан маълумотнома ёки ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарарни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, далолатнома ёки ўлим тўғрисидаги гувоҳнома) асосида ҳамда жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича ва мажбурий суғурта шартномаси бўйича тўловлар жадвалига (кейинги ўринларда тўловлар жадвали деб аталади) мувофиқ ушбу Қоидаларга 7-иловага* биноан аниқланади.

Агар ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарарни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган шикастланиш характери тўлов жадвалида келтирилмаган бўлса, суғурталовчи тўловлар жадвалида келтирилган шикастланишнинг у ёки бу характерга мувофиқлигини аниқлаш учун ушбу ҳужжатларни берган муассасага ёзма равишда мурожаат қилади. Шикастланиш характерининг тўловлар жадвалида келтирилган шикастланишнинг у ёки бу характерига мувофиқлигини аниқлашда шикастланишнинг энг мувофиқ характери танланади.

51. Ҳаётга, соғлиққа ва (ёки) мол-мулкка зарар етказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўйича шубҳа пайдо бўлганда суғурталовчи ҳужжатда кўрсатилган ахборотнинг тасдиғини олиш учун ушбу ҳужжатни берган муассасага мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

### VII. СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ

52. Суғурталовчи суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) ташаббуси билан ёки суғурталовчининг талабига биноан зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши муносабати билан юзага келган суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) барча билдирилган ва исботланадиган харажатларини, ҳатто бу чоралар муваффақиятсиз бўлган ҳолларда ҳам қоплайди.

53. Зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш бўйича харажатлар суғурта товони миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

54. Суғурта товони суд харажатларини, шунингдек жарималар ва бошқа шу каби тўловларни қопламайди.

55. Суғурта товони етказилган зарар миқдорида, лекин суғурта пулидан ошмаган миқдорда суғурталовчи томонидан бевосита жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тўланади.

56. Агар суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини суғурталовчининг ёзма розилиги билан ўз ҳисобидан қопласа, суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартибида ўзи амалга оширган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этганидан кейин суғурталовчи суғурта қилдирувчига суғурта тўловини тўлайди. Суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини ўз ҳисобидан қисман қопласа суғурталовчи суғурта товонининг тегишли қисмини суғурта қилдирувчига (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахсга), қолган қисмини эса — жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тўлайди.

Қуйидагилар етказилган зарар ўрнини қоплаш тартибида суғурта қилдирувчи тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади:

суғурта қилдирувчилар — юридик шахслар учун — банкнинг тўлов амалга оширилганлиги тўғрисидаги белгиси қўйилган тўлов топшириқномаси нусхаси;

суғурта қилдирувчилар — жисмоний шахслар учун — жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг) суғурта товонини олганлиги тўғрисидаги тилхати.

57. Агар суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) транспорт воситасидан фойдаланиш натижасида етказилган зарарнинг ўрнини жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурталовчининг ёзма розилигисиз ҳар қандай усулда қопласа ёки қоплашни ваъда қилса, суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) бу ҳаракатлари суғурталовчи учун мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

58. Жабрланувчи (унинг меросхўри) ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига бошқа манбалардан олган тўловлар суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятини камайтирмайди.

59. Суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) суғурта ҳодисаси содир бўлганда зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш чораларини кўрганлиги ёхуд жабрланувчига кечиктириб бўлмайдиган ёрдам кўрсатганлиги суғурталовчининг ушбу Қоидаларга мувофиқ ўзи учун белгиланган мажбуриятларни бажаришни рад этишига асос бўлолмайди.

60. Агар мажбурий суғурта объекти бир вақтнинг ўзида ихтиёрий суғурта бўйича ҳам суғурталанган бўлса, ихтиёрий суғурта бўйича суғурта товони мажбурий суғурта бўйича суғурта товонини тўлаш шартларидан қатъи назар, тўланади.

Мажбурий ва ихтиёрий суғурта шартномаси бўйича мол-мулкка етказилган зарар учун суғурта товони тўлаш юзасидан суғурталовчиларнинг мажбуриятлари пайдо бўлган тақдирда, биринчи навбатда мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта товони тўланади, мол-мулкка етказилган зарарнинг тўланмаган қисми ихтиёрий суғурта шартномаси бўйича қопланади. Бунда мажбурий ва ихтиёрий суғурта бўйича тўланган суғурта товонининг умумий суммаси жабрланувчининг мол-мулкига етказилган ҳақиқий зарардан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

61. Агар суғурта ҳодисаси содир бўлиши натижасида жабрланувчи ҳалок бўлган ёки унинг соғлиғига зарар етказилган бўлса, суғурта товони ушбу Қоидаларнинг 48 ва 49-бандлари талаблари инобатга олинмаган ҳолда, шундай ҳодиса учун тўловни назарда тутувчи барча турдаги суғурта шартномаларига мувофиқ тўланади.

62. Агар битта суғурта ҳодисаси натижасида икки ёки ундан ортиқ суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахсларнинг) фуқаролик жавобгарлиги юзага келган бўлса, суғурталовчилар жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) ҳар бир суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) айби даражасига мувофиқ суғурта товонини тўлайди. Суғурта қилдирувчилардан ҳар бирининг айби даражасини аниқлаш мумкин бўлмаганда жавобгарлик улар ўртасида тенг тақсимланади.

63. Агар суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта товони тўловлари бир нечта жабрланувчига (уларнинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига) тўланиши керак бўлса ва уларнинг суғурталовчига билдирилган талаблари суммаси суғурта товони миқдоридан ортиқ бўлса, суғурта товони ҳар бир жабрланувчининг барча жабрланувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) талабларининг умумий суммасидаги улушига мутаносиб равишда тўланади.

64. Ўрни қопланиши лозим бўлган зарарнинг миқдори тўлиқ аниқлангунига қадар суғурталовчи жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг) аризасига кўра суғурта тўловининг мазкур зарарнинг амалда аниқланган қисмига мувофиқ бўлган қисмини тўлашга ҳақли.

65. Жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) билан келишувга кўра ва мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилган шартлар асосида суғурталовчи шикастланган мол-мулкнинг суғурта товони ҳисобидан таъмирланишини ва (ёки) унинг қолдиқлари утилизация қилинишини ташкил қилишга ва ҳақини тўлашга ҳақли.

66. Суғурта товонини тўлаш суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

67. Суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги ёки уни тўлаш ҳақидаги қарори суғурта қилдирувчига у суғурта товони тўлаш тўғрисида ёзма мурожаат этганидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши керак ва товон тўлаш рад этилганда, қарорда рад этишнинг асослантирилган сабаблари кўрсатилиши лозим.

68. Агар суғурта товонини тўлаш ушбу Қоидаларда белгиланган муддатда амалга оширилмаган бўлса, суғурталовчи жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурта товонига қўшимча равишда, суғурта товонини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасидан келиб чиққан ҳолда пеня тўлайди.

69. Агар мажбурий суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурталовчи жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурта товони тўласа, у ҳолда суғурта қилдирувчи суғурталовчидан суғурта товони тўланганлиги тўғрисидаги хабарнома олинган кундан эътиборан икки ҳафта муддатда тўланган суғурта товони суммасига ва мажбурий суғурта шартномаси амал қилишининг қолган муддатига мутаносиб равишда қўшимча суғурта мукофотини тўлайди. Тўланадиган қўшимча суғурта мукофоти ҳисоб-китоби ушбу Қоидаларга 5-иловада назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

70. Суғурталовчи мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиши даврида вужудга келган зарарларнинг ўрнини, агар жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) зарарларни келтириб чиқарган суғурта ҳодисаси ҳақида зарарларнинг ўрнини мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин уч йил ичида ундириш тўғрисида даъво аризаси берган бўлса, қоплайди.

71. Жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига Тўловларни кафолатлаш жамғармасидан компенсация тўлови мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта тўлови қуйидагилар оқибатида тўланиши мумкин бўлмаган ҳолларда амалга оширилади:

суғурталовчига нисбатан банкротлик тартиб-таомили қўлланилганлиги;

жабрланувчига етказилган зарар учун жавобгар шахснинг номаълумлиги;

фойдаланилаётганда зарар етказган транспорт воситасининг эгаси ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаганлиги.

72. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки жорий календарь йилда якунланаётган ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр мобайнида жами бир юз саксон уч кун ва ундан ортиқ муддат Ўзбекистон Республикасида турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар компенсация тўловларини олиш ҳуқуқига эга.

73. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган чет давлатлар фуқаролари компенсация тўловларини олиш ҳуқуқига, агар шу чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ шундай ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилган бўлса, эгадир.

74. Компенсация тўловларини амалга ошириш тўғрисидаги талаб жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган кундан эътиборан уч йил мобайнида билдирилиши мумкин.

75. Суғурталовчига нисбатан банкротлик тартиб-таомили қўлланилганлиги оқибатида суғурталовчи томонидан суғурта товонини тўлаш имкони бўлмаган тақдирда суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги тўғрисидаги далолатномани ва суғурталовчига нисбатан банкротлик тартиб-таомили қўлланилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда Тўловларни кафолатлаш жамғармасига жабрланувчиларга (уларнинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига) компенсация тўловларини амалга ошириш тўғрисида ёзма равишда мурожаат қилади.

76. Фойдаланилаётганда жабрланувчига зарар етказилган транспорт воситаси эгасининг номаълумлиги ёки фуқаролик жавобгарлиги суғурталанмаганлиги сабабли суғурта товонини тўлаш имкони бўлмаган тақдирда жабрланувчи ёки унинг меросхўрлари (агар жабрланувчининг аҳволи мустақил равишда мурожаат этиш имконини бермаса, қариндошлари ёки бошқа вакиллари) ёхуд ҳуқуқий ворислари қуйидаги ҳужжатларнинг аслини ёки нусхаларини илова қилган ҳолда Тўловларни кафолатлаш жамғармасига компенсация тўловларини амалга ошириш тўғрисида ёзма равишда мурожаат қилади:

суғурта полиси (агар бўлса);

етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги суд қарори, агар иш суд томонидан кўрилган бўлса;

зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хулоса ёки қарор, тиббиёт муассасаларидан олинган маълумотнома ёхуд ҳаётга ёки соғлиққа зарар етказилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, ўлим ҳақидаги далолатнома ёхуд гувоҳнома);

мол-мулкка зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (тижорат далолатнома-

лари, юк хатлари, асосий воситалар дафтаридан кўчирмалар, тўлов ҳужжатлари, шартномалар, мол-мулкни мустақил баҳолаш далолатномалари ва бошқа шу кабилар);

жабрланувчининг шахсини ёки унинг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

мерос ҳуқуқини ёки ҳуқуқий ворисликни олганликларини, шунингдек меросхўрларнинг шахсини ёки ҳуқуқий ворисларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар суғурта товони жабрланувчиларнинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига тўланиши лозим бўлса).

77. Компенсация тўловлари қонун ҳужжатларида, шу жумладан Тўловларни кафолатлаш жамғармаси қоидаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## VIII. СУҒУРТАЛОВЧИНИНГ РЕГРЕСС ТАРТИБИДА ТАЛАБ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

78. Суғурталовчи зарар етказган шахсга (суғурта қилдирувчига, фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахсга) ўзи тўлаган суғурта тўлови миқдорида қуйидаги ҳолларда регресс тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга, агар:

а) мазкур шахснинг қасди оқибатида жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган бўлса;

б) зарар транспорт воситаси мазкур шахс томонидан мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бошқарилаётганда етказилган бўлса;

в) мазкур шахс ўзи фойдаланаётганда зарар етказган, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган бўлса;

г) мазкур шахс йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдан яширинган бўлса;

д) мазкур шахс транспорт воситасини бошқаришга рухсат этилган шахс сифатида мажбурий суғурта шартномасига киритилмаган бўлса (транспорт воситасидан фақат мажбурий суғурта шартномасида кўрсатилган ҳайдовчилар фойдаланиши шарти билан мажбурий суғурта шартномаси тузилганда);

е) суғурта ҳодисаси мазкур шахс транспорт воситасидан мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилмаган аниқ даврда фойдаланаётганда содир бўлган бўлса (транспорт воситасидан мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилган даврда фойдаланиш шарти билан мажбурий суғурта шартномаси тузилганда). Бунда суғурталовчи мазкур шахсдан суғурта ҳодисасини кўриб чиқишда қилинган харажатларни қоплашни ҳам талаб қилишга ҳақлидир.

## IX. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

79. Мажбурий суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

80. Суғурталовчилар тегишли сўров бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан, судлардан, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотларидан ва бошқа ташкилотлардан суғурталовчи томонидан суғурта товони миқдорини аниқлаш мақсадида суғурта ҳодисасининг содир бўлиш сабаблари ва ҳолатлари ҳамда етказилган зарар тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва хулосаларни олишга ҳақлидир.

81. Мажбурий суғурта бўйича мажбуриятнинг транспорт воситалари эгалари томонидан бажарилишини назорат қилиш транспорт воситаларини рўйхатдан ўтказишда (қайта ўтказишда), уларнинг мажбурий техника кўригини ташкил этишда ва йўл ҳаракати қоидаларига, шунингдек йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилишга доир бошқа ваколатларни амалга оширишда давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан амалга оширилади. Транспорт воситаси ҳайдовчиси ўз ёнида суғурта полисини олиб юриши ва уни текшириш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ бунга ваколатли бўлган давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларига кўрсатиши шарт.

Чет давлатларда рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча фойдаланилаётган транспорт воситаларининг эгалари томонидан мажбурий суғурта бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш божхона органлари ва давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан амалга оширилади.

82. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлишади.

*Транспорт воситалари эгаларининг*
*фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига*
*1-ИЛОВА*

## ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА СУҒУРТА ПОЛИСИ БЛАНКАСИ НАМУНАСИ

*(Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси бланкасининг олд томони)*

**Ўзбекистон Республикаси**
**Давлат герби**

**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича**
**СУҒУРТА ПОЛИСИ**

Серия ___ №___

**Суғурта полисининг амал қилиш даври**
**20__ йил «__»______дан 20__ йил «__»________гача**

1. Суғурталовчининг тўлиқ номи ва реквизитлари____________________________________________
______________________________________________________________________

2. Суғурта қилдирувчининг тўлиқ номи (Ф.И.О.) ва реквизитлари ___________________________
______________________________________________________________________

3. Транспорт воситаси тўғрисидаги маълумотлар:

| *Маркаси ва модели* | *Ишлаб чиқарилган йили* | *Двигатель рақами* | *Кузов (шасси) рақами* | *Давлат рўйхатидан ўтказиш рақами* |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |

4. Суғурта қилдирувчининг фаолияти тури: ______________________________

5. Транспорт воситасидан фойдаланиш даври:
20__ йил «__»________дан 20__ йил «__»________гача
6. Транспорт воситасидан устун даражада фойдаланиш ҳудуди: ______________________________

7. Транспорт воситасини бошқаришга қўйилган шахслар:
Чекловсиз/фақат қуйидаги ҳайдовчилар:
(кераклисининг тагига чизилсин)

| *Т/р* | *Фамилияси, исми, отасининг исми* | *Ҳайдовчилик гувоҳномаси (серияси, рақами)* |
|---|---|---|
| 1. | | |
| 2. | | |
| 3. | | |
| 4. | | |
| 5. | | |

*(Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси бланкасининг орқа томони)*

8. Суғурта суммаси ва суғурта мукофоти.

| *Кўрсаткичлар* | *Сумма рақамлар билан* | *Сумма ёзув билан* |
|---|---|---|
| Суғурта суммаси | | |
| Суғурта мукофоти | | |
| Суғурта мукофоти бўйича сийловлар | | |
| Суғурталовчига тўланадиган суғурта мукофоти суммаси | | |

9. Суғурта қилдирувчининг ёки транспорт воситасидан фойдаланишда жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилганлиги учун мазкур суғурта полисига мувофиқ жавобгарлиги суғурталанган шахснинг фуқаролик жавобгарлиги юз бериши ушбу суғурта полиси бўйича суғурта ҳодисаси ҳисобланади.

10. Суғурталовчининг почта манзили, шунингдек унинг барча вакиллари, улар билан алоқа воситалари ва уларнинг иш вақти тўғрисидаги маълумотлар: ______________________________

11. Серия _____ №_____ махсус давлат белгиси ва юз берган воқеа тўғрисидаги аризанинг иккита шакли берилган.

12. Алоҳида белгилар ______________________________

**Раҳбар ёки суғурталовчининг ваколатли шахси**

________ (имзо) ______________ (фамилияси, исми, отасининг исми)

М.Ў.

Берилган санаси: 20__ йил «__» ________

Суғурта полиси бланкасининг тавсифи:
Суғурта полиси бланкалари А4 (210-297 мм) форматида тайёрланади. Суғурта полиси бланкасининг асосий ранги оқ ранг.

*Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига*
*2-ИЛОВА*

## МАХСУС ДАВЛАТ БЕЛГИСИ ШАКЛИ

*(Логотип)*

*(Суғурталовчининг тўлиқ номи)*

Серия________№________

**ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ ЭГАСИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИ**

20__ йил «__»________дан

20__ йил «__»_______гача суғурталанган

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси

20__ йил «__»_________ Серия______ №______

____________

Махсус давлат белгисининг тавсифи:

Махсус давлат белгисининг эни 15 сантиметрни, бўйи 10 сантиметрни ташкил этади. Махсус давлат белгисининг асосий ранги оқ ранг.

*Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига*
*3-ИЛОВА*

Суғурталовчи ____________________________________________
(суғурталовчининг номи)

____________________________________________________________дан
(ариза берувчининг номи (номланиши) тўлиқ

Ариза берувчи — жисмоний шахснинг паспорти: серияси: ______,
рақами: _________, 20__ йил «__» ________________да
томонидан берилган.

Ариза берувчи — юридик шахснинг реквизитлари:

СТИР______________________________

Хизмат кўрсатувчи банкнинг МФО_________________________________,

ҳ/к ____________________________________________________

Ариза берувчининг почта манзили: ______________________________
____________________________________________________________

Алоқа боғлаш учун телефон рақами: _____________________________

## ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА АРИЗА-АНКЕТА

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларида назарда тутилган шартларда мен билан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси (кейинги ўринларда «Шартнома» деб юритилади) тузишингизни сўрайман.

1. Транспорт воситасининг эгаси тўғрисидаги маълумотлар:______________________________
____________________________________________________________
(транспорт воситаси эгасининг номи (номланиши) тўлиқ)

2. Агар ариза берувчи транспорт воситасининг эгаси ҳисобланса ва суғурта мукофоти бўйича сийлов ҳуқуқига эга бўлса, имтиёз берилишининг сабаби кўрсатилсин: ______________________________
____________________________________________________________

3. Суғурта қилдирувчининг фаолияти тури: ______________________________

4. Шартнома қайси муддатга тузилади *(кераклисининг тагига чизилсин)*:

| | | | |
|---|---|---|---|
| *1 йилга* | *Мавсумий фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда* | *Хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказилган транспорт воситасидан Ўзбекистонда вақтинча фойдаланиш муддатига* | *Рўйхатдан ўтказиш жойига бориш муддатига* |

5. Транспорт воситасидан фойдаланиш даври:
20__ йил «___» ___________дан 20__ йил «___» ___________гача

6. Ариза берувчининг тузилаётган шартномада назарда тутилаётган транспорт воситаси (ТВ) тўғрисидаги маълумотлар.

| ТВ тури, маркаси ва модели | Ишлаб чиқарилган йили | Давлат рўйхатидан ўтказиш рақами | ТВ кузови (шасси) рақами | ТВ двигатели рақами | Двигатель ҳажми (енгил автомобиллар учун) | Техник паспорт | | | Юк кўтариши (юк автомобиллари учун), тонна | Ўринлар сони (автобуслар учун) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | серияси | рақами | берилган санаси | | |
| | | | | | | | | | | |

7. ТВдан такси сифатида фойдаланиладими: ҳа/йўқ
*(кераклисининг тагига чизилсин)*

8. Транспорт воситасини бошқаришга қўйилган шахслар:
шахслар сони чекланади/шахслар сони чекланмайди
*(кераклисининг тагига чизилсин)*

| Т/р | Фамилияси, исми, отасининг исми | Ҳайдовчилик стажи (йил) | Ҳайдовчининг ёши (ёш) | Ҳайдовчилик гувоҳномаси | | | Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта ҳодисалари содир бўлганлиги ёки содир бўлмаганлиги | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | серияси | рақами | берилган вақти | кейинги 5 йил мобайнида, бундай ҳодисалар содир бўлган тақдирда, қайси йилда | шу жумладан олдинги суғурта даврида (охирги 12 ойда), бундай ҳодисалар юз берган тақдирда, неча марта юз берган |
| 1. | | | | | | | | |
| 2. | | | | | | | | |
| 3. | | | | | | | | |
| 4. | | | | | | | | |
| 5. | | | | | | | | |

9. Транспорт воситасидан устун даражада фойдаланиш ҳудуди (рўйхатдан ўтказиш жойи):____________________
______________________________________________________________________________

10. Ариза-сўровномага қуйидагилар ҳам илова қилинади:______________________________________
______________________________________________________________________________
______________________________________________________________________________
______________________________________________________________________________
______________________________________________________________________________

11. Суғурта тарифлари коэффициентлари (суғурталовчи томонидан тўлдирилади):

| Базавий ставка | Қуйидагиларга боғлиқ равишда қўлланиладиган суғурта тарифлари коэффициентлари | | | | | | | | Суғурта тарифи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | ТВдан устун даражада фойдаланиладиган ҳудуд | ҳайдовчилар сонининг чекланмаганлиги | суғурта тўловлари мавжудлиги ёки йўқлиги | ҳайдовчининг ҳайдовчилик стажи | ТВдан фойдаланиш мавсумийлиги | суғурта муддати | мажбурий суғурта қоидаларини бузиш содир этилганлиги | ҳайдовчининг ёши | |
| | | | | | | | | | |

12. Суғурта суммаси ва суғурта мукофоти (суғурталовчи томонидан тўлдирилади):

| Кўрсаткичлар | Сумма, рақамлар билан, сўмларда | Сумма, ёзув билан |
|---|---|---|
| Суғурта суммаси | | |
| Суғурта мукофоти | | |
| Суғурта мукофоти бўйича сийлов (қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта қилдирувчи сийлов олиш ҳуқуқига эга бўлган тақдирда) | | |
| Суғурталовчига тўланадиган суғурта мукофоти суммаси | | |

13. Мен ушбу Ариза-анкетада ўзим кўрсатган маълумотларнинг ишончли ва батафсил эканлигини тасдиқлайман, шунингдек суғурта тарифлари коэффициентлари ва тўланадиган суғурта мукофоти миқдори билан танишганлигимни тасдиқлайман. Бундан ташқари, мен Шартноманинг амал қилиш даврида суғурта қилиш объекти билан юз берган барча ўзгаришлар тўғрисида хабар бериш мажбуриятини ўз зиммамга оламан.

____________________
*(ариза берувчининг имзоси)*

М.Ў.

20__ «___» ____________

14. Ариза ______________________________________ томонидан қабул қилинган ва
*(суғурта компаниясининг ваколатли ходими лавозими ва фамилияси)*

20___ йил «___» да _______ рақами билан дафтарда рўйхатдан ўтказилган.

15. Мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисини (серияси ________, рақами ______), махсус давлат белгисини (серияси _______, рақами ________) ва Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларини олдим.

____________________
*(ариза берувчининг имзоси)*

М.Ў.

*Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига*
*4-ИЛОВА*

## СУҒУРТА ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР

Ушбу маълумотлар______________________________________________________га
*(Суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги суғурта қилинган шахс)нинг номи (номланиши) тўлиқ ёзилади)*

унинг фуқаролик жавобгарлиги ______________________________________________
*(суғурталовчининг номланиши тўлиқ ёзилади)*

______________________да суғурта қилинганлиги ҳақида берилди.

Суғурта ҳодисалари суғурта қилинган даврда ______________________________
*(содир бўлди, содир бўлмади)*

| Суғурталаш даврлари | Суғурта ҳодисалари сони | |
|---|---|---|
| | рақамлар билан | сўз билан |
| 20__ йил «__»______дан<br>20__ йил «__»______гача | | |
| 20__ йил «__»______дан<br>20__ йил «__»______гача | | |
| 20__ йил «__»______дан<br>20__ йил «__»______гача | | |
| 20__ йил «__»______дан<br>20__ йил «__»______гача | | |
| 20__ йил «__»______дан<br>20__ йил «__»______гача | | |

***Изоҳ.*** *Жадвал маълумотлари охирги 5 йил учун тўлдирилади. Агар суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги суғурта қилинган шахс) 5 йилдан кам даврга суғурта қилинган бўлса, у ҳолда маълумотлар суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги суғурта қилинган шахс)нинг олдинги суғурталовчиси томонидан берилган суғурталаш тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлдирилади.*

*Олдинги транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси амал қилган даврда охирги 5 йил мобайнида «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддаси учинчи қисмининг олтинчи — саккизинчи хатбошида назарда тутилган қоида бузишларга йўл қўйилганми ёки йўқми: ҳа/йўқ*
*(кераклисининг тагига чизилсин)*

**Суғурталовчининг раҳбари** ____________________ М.Ў.
*(имзо, Ф.И.О.)*

*Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига*
*5-ИЛОВА*

## ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА СУҒУРТА ТАРИФЛАРИ, УЛАРНИНГ ЧЕКЛАНГАН ДАРАЖАСИ, ТУЗИЛМАСИ ВА СУҒУРТА МУКОФОТИНИ БЕЛГИЛАШДА СУҒУРТАЛОВЧИЛАР ТОМОНИДАН УЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШ ТАРТИБИ

### I. ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА СУҒУРТА ТАРИФЛАРИ

1. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифларининг йиллик базавий ставкаси миқдори (суғурта суммасининг белгиланган миқдорига нисбатан фоизларда).

| Т/р | Транспорт воситаси тури | Йиллик базавий ставка, $T_Б$ | |
|---|---|---|---|
| | | юридик шахслар учун | жисмоний шахслар учун |
| 1. | Двигателининг ҳажми:<br>1200 куб. сантиметргача<br>1200 куб. сантиметрдан 2200 куб. сантиметргача<br>2200 куб. сантиметрдан 3200 куб. сантиметргача<br>3200 куб. сантиметрдан ортиқ бўлган енгил автомобиллар | <br>0,5<br>0,55<br>0,6<br>0,65 | <br>0,4<br>0,45<br>0,5<br>0,55 |
| 2. | Такси ва йўналишли такси сифатида фойдаланиладиган енгил автомобиллар ва микроавтобуслар | 0,7 | 0,6 |
| 3. | Юк кўтариш ҳажми:<br>10 тоннагача<br>10 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобиллари | <br>0,5<br>0,8 | <br>0,4<br>0,8 |
| 4. | Ўриндиқлари сони:<br>20 тагача<br>20 тадан ортиқ бўлган автобуслар ва микроавтобуслар (йўналишли такси сифатида фойдаланиладиган микроавтобуслардан ташқари) | <br>0,4<br>0,5 | <br>0,35<br>0,45 |
| 5. | Троллейбуслар | 0,35 | - |
| 6. | Трамвайлар | 0,2 | - |
| 7. | Тракторлар, ўзиюрар йўл-қурилиш машиналари ва бошқа машиналар | 0,3 | 0,25 |
| 8. | Мотоцикллар ва мотороллёрлар | 0,3 | 0,25 |

2. Транспорт воситаси кўп фойдаланиладиган ҳудудга (рўйхатдан ўтказиш жойига) кўра суғурта тарифлари коэффициенти.

| Т/р | Транспорт воситаси кўп фойдаланиладиган ҳудуд (рўйхатдан ўтказиш жойи) | Коэффициент $K_m$ |
|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳри | 1,4 |
| 2. | Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота, Тошкент, Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ туманлари ва Фарғона, Наманган, Андижон, Самарқанд вилоятлари | 1,2 |
| 3. | Бухоро, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент вилоятининг ушбу жадвалнинг 2-бандида кўрсатилмаган туманлари | 1,0 |
| 4. | Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари | 0,8 |

3. Транспорт воситасини бошқаришга қўйилган шахслар сони чекланмаган ҳолда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта қилишда суғурта тарифлари коэффициенти — $К_{БО}$ (4,2).

4. Олдинги даврларда суғурта ҳодисалари содир бўлганлиги ёки содир бўлмаганлигига қараб суғурта тарифлари коэффициенти.

| Т/р | Кўрсаткичнинг номи | $К_{БМ}$ коэффициенти |
|---|---|---|
| 1. | Олдинги суғурта даври (охирги 12 ой) мобайнида суғурта ҳодисалари юз бермаганлиги | 0,9 |
| 2. | Олдинги 2 йил мобайнида суғурта ҳодисалари юз бермаганлиги | 0,8 |
| 3. | Олдинги 3 йил мобайнида суғурта ҳодисалари юз бермаганлиги | 0,7 |
| 4. | Олдинги 4 йил мобайнида суғурта ҳодисалари юз бермаганлиги | 0,6 |
| 5. | Олдинги 5 йил мобайнида суғурта ҳодисалари юз бермаганлиги | 0,5 |
| 6. | Олдинги мажбурий суғурта шартномаси амал қилиш даврида юз берган битта суғурта ҳодисаси | 1,2 |
| 7. | Олдинги мажбурий суғурта шартномаси амал қилиш даврида юз берган иккита суғурта ҳодисаси | 1,3 |
| 8. | Олдинги мажбурий суғурта шартномаси амал қилиш даврида юз берган учта ва ундан ортиқ суғурта ҳодисалари | 1,55 |

***Изоҳлар:***

*1) Биринчи марта мажбурий суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчига (транспорт воситаси эгасига) бирга тенг бўлган коэффициент белгиланади.*

*2) Агар транспорт воситасини бошқаришга бир неча шахсга рухсат берилган бўлса, транспорт воситасини бошқаришга қўйилган шахслардан бирига мувофиқ бўлган энг юқори коэффициент қўлланилади.*

*3) Ушбу коэффициентни қўллашда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машиналар ва механизмлар эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида» 1994 йил 30 декабрдаги 632-сон қарорининг амал қилиш муддатига кирадиган олдинги даврлар ҳам ҳисобга олинади.*

5. Ҳайдовчининг стажига кўра суғурта тарифлари коэффициенти.

| Т/р | Суғурта полисида кўрсатилган шахснинг ҳайдовчилик стажи | $К_В$ коэффициенти |
|---|---|---|
| 1. | 2 йилгача | 1,4 |
| 2. | 2 йилдан 5 йилгача | 1,1 |
| 3. | 5 йилдан ортиқ | 1,0 |

***Изоҳ:*** *Агар транспорт воситасини бошқаришга бир нечта шахс қўйилган бўлса транспорт воситасини бошқаришга қўйилган шахслардан бирига мувофиқ бўлган энг юқори коэффициент қўлланилади.*

6. Транспорт воситасидан мавсумий фойдаланишга кўра суғурта тарифлари коэффициенти.

| Транспорт воситасидан фойдаланиш даври | $К_С$ коэффициенти |
|---|---|
| 6 ой | 0,6 |
| 7 ой | 0,65 |
| 8 ой | 0,7 |
| 9 ой | 0,75 |
| 10 ой | 0,8 |
| 11 ой | 0,9 |

7. Хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча фойдаланилаётган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишда суғурта қилиш муддатига боғлиқ равишдаги суғурта тарифлари коэффициенти.

| Суғурта қилиш муддати | $К_П$ коэффициенти |
|---|---|
| 15 кунгача | 0,2 |
| 16 кундан 2 ойгача | 0,3 |
| 2 ой | 0,4 |
| 3 ой | 0,45 |
| 4 ой | 0,5 |
| 5 ой | 0,55 |
| 6 ой | 0,6 |
| 7 ой | 0,65 |
| 8 ой | 0,7 |
| 9 ой | 0,75 |
| 10 ой | 0,8 |
| 11 ой | 0,9 |

***Изоҳ:*** *Рўйхатдан ўтказиш жойига бораётган транспорт воситалари эгалари учун суғурта қилиш муддати 20 кунни ташкил этади. Ушбу ҳолатда $К_п$ — 0,2 коэффициенти қўлланади.*

8. Қоида бузишлар мавжудлиги коэффициенти.

Суғурта қилдирувчида (транспорт воситасини бошқаришга қўйилган бошқа шахсларда) охирги 5 йилда қуйида келтириладиган қоида бузишлар содир этилганда $К_Н$ — 1,5 коэффициенти қўлланади:

ўтган даврларда суғурталовчи сўраган ҳолатлар тўғрисида суғурта қилдирувчи томонидан маълумотлар қасддан бузиб кўрсатилганлиги, бу тўғри маълумотлар хабар берилган тақдирда тўланиши керак бўлган суммага нисбатан камроқ суммада суғурта мукофоти тўланишига олиб келганлиги фактларининг мавжудлиги;

ўтган даврларда суғурта қилдирувчи (мажбурий суғурта шартномаси бўйича фуқаролик жавобгарлиги суғурта қилинган бошқа шахс) томонидан суғурта ҳодисаси содир бўлишига, шунингдек етказилган зарар миқдори ошишига атайлаб кўмаклашишга ёки суғурта тўловини кўпайтириш мақсадида суғурта ҳодисаси содир бўлиши ҳолатларини қасддан бузиб кўрсатишга йўл қўйилиши;

ўтган даврларда регресс талаб қўйилишига асос бўлган ҳолатларда суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги маж-

бурий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилинган бошқа шахс) томонидан зарар етказиш фактларининг мавжудлиги.
Юқорида кўрсатиб ўтилган қоида бузишлар мавжуд бўлмаган тақдирда $К_н$ — 1,0 коэффициенти қўлланади.

9. Ҳайдовчининг ёшига қараб суғурта тарифлари коэффициенти.

| *Суғурта полисида кўрсатилган ҳайдовчининг ёши ва касбига оид маълумотлар* | *$К_{вз}$ коэффициенти* |
|---|---|
| 22 ёшгача | 1,25 |
| 22 ёшдан катта | 1 |

***Изоҳ.*** *Агар транспорт воситасини бошқаришга бир неча шахс қўйилган бўлса, транспорт воситасини бошқаришга қўйилган шахслардан бирига мувофиқ бўлган энг юқори коэффициент қўлланади.*

## II. СУҒУРТА ТАРИФИ ТАРКИБИ

| *Кўрсаткичлар* | *%* |
|---|---|
| Суғурта мукофотининг брутто-ставкаси | 100 |
| Нетто-ставка (мажбурий суғурта шартномаси бўйича жорий суғурта тўловларини таъминлашга мўлжалланган брутто-ставканинг бир қисми) | 75 |
| Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш харажатлари:<br>шу жумладан суғурта ҳодисалари содир бўлишининг олдини олиш ва огоҳлантириш бўйича олдини олиш чора-тадбирлари захирасига ажратмалар | 25<br><br>5 |

***Изоҳ:*** *Огоҳлантирувчи чора-тадбирлар захираси маблағларидан суғурталовчи томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган огоҳлантириш чора-тадбирлари захираси тўғрисидаги низомда назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланилади.*

## III. СУҒУРТА МУКОФОТИНИ АНИҚЛАШДА СУҒУРТАЛОВЧИЛАР ТОМОНИДАН СУҒУРТА ТАРИФЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ

Мажбурий суғурта шартномаси бўйича тўланиши керак бўлган суғурта мукофоти миқдори суғурта пули ($С_С$), йиллик базавий ставка ($Т_Б$) ва Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига мазкур илованинг I бўлимида кўрсатилган суғурта мукофотларининг тегишли коэффициентларини кўпайтириш йўли билан аниқланади.

1. Транспорт воситаларини бошқаришга қўйилган шахслар сони чекланмаслиги шарти билан транспорт воситалари эгалари учун мажбурий суғурта шартномаси бўйича тўланиши керак бўлган суғурта мукофоти миқдори қуйида кўрсатилган формулаларга мувофиқ аниқланади:

а) 1 йилга транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси тузишда:

$$П_р = С_С \times Т_Б \times К_Т \times К_{БО} / 100;$$

б) транспорт воситасидан мавсумий фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномасини тузишда:

$$П_Р = С_С \times Т_Б \times К_Т \times К_{БО} \times К_С / 100;$$

в) транспорт воситасидан мавсумий фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча фойдаланилаётган транспорт воситалари эгаларининг, шунингдек рўйхатдан ўтказиш жойига бораётган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномасини тузишда:

$$П_Р = С_С \times Т_Б \times К_Т \times К_{БО} К_п / 100.$$

2. Транспорт воситаларини бошқаришга қўйилган шахслар сони чекланиши шарти билан транспорт воситалари эгалари учун мажбурий суғурта шартномаси бўйича тўланиши керак бўлган суғурта мукофоти миқдори қуйида кўрсатилган формулаларга мувофиқ аниқланади:

а) 1 йилга транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномасини тузишда:

$$П_Р = С_С \times Т_Б \times К_Т \times К_{БМ} \times К_В \times К_Н \times К_{ВЗ} / 100;$$

б) транспорт воситасидан мавсумий фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномасини тузишда:

$$П_Р = С_С \times Т_Б \times К_Т \times К_{БМ} \times К_В \times К_с \times К_Н \times К_{ВЗ} / 100;$$

в) транспорт воситасидан мавсумий фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча фойдаланилаётган транспорт воситалари эгаларининг, шунингдек рўйхатдан ўтказиш жойига бораётган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномасини тузишда:

$$П_Р = С_С \times Т_Б \times К_Т \times К_{БМ} \times К_В \times К_П \times К_Н К_{ВЗ} / 100.$$

## IV. ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА СУҒУРТА МУКОФОТИНИНГ ЧЕКЛАНГАН ДАРАЖАСИ

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш Қоидаларига ушбу илованинг III бўлимига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофотининг энг катта миқдори барча коэффициентлар ҳисобга олинган ҳолда тузатиш киритилган тегишли базавий ставканинг 5 баравари миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

## V. МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИДА СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШДА ҚЎШИМЧА РАВИШДА ТЎЛАНАДИГАН СУҒУРТА МУКОФОТИНИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ

Мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиш даврида суғурта товонини тўлашда қўшимча равишда тўланадиган суғурта мукофоти қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$П_{РД} = П_Р \times (С_В/С_С) \times (О_П \times П_С),$$ бунда:

$П_{рд}$ — қўшимча равишда тўланадиган суғурта мукофоти суммаси;
$П_{р}$ — суғурта мукофоти суммаси;
$С_{в}$ — тўланган суғурта товони суммаси;
$С_{с}$ — суғурта суммаси;
$О_{п}$ — суғурта ҳодисаси юз берган пайтдан бошлаб суғурта қилишнинг кунлар ҳисобидаги қолган даври;
$П_{с}$ — мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилган кунлар ҳисобидаги суғурта қилиш даври.

*Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига*
*6-ИЛОВА*

_______________________________________________ суғурта компаниясига
(Суғурталовчининг тўлиқ номланиши)

_______________________________________________дан
(Ариза берувчининг тўлиқ номи (номланиши)

Ариза берувчи — жисмоний шахснинг паспорти: серияси _____; рақами: _____, 20__ йил «___» ________да ____________ томонидан берилган
Ариза берувчи — юридик шахснинг реквизитлари: СТИР______________
Хизмат кўрсатувчи банкнинг МФО ________, ҳ/к ____________
Мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси: серияси ______ № _______ 20__ йил «___» ____________

**Юз берган воқеа тўғрисида**
**АРИЗА**

Ушбу билан _______________________________________________
(маркаси, модели, давлат рўйхатидан ўтказиш рақами)

транспорт воситаси билан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида кўрсатилган суғурта ҳодисаси деб эътироф этиш мумкин бўлган воқеа юз берганлигини маълум қиламан.
Воқеанинг сабаблари ва ҳолатлари тўғрисида қуйидагиларни маълум қиламан:
Ўзи билан суғурта ҳодисаси деб эътироф этиш мумкин бўлган воқеа юз берган ҳайдовчи: _______________________________________________
(ҳайдовчининг фамилияси, исми, отасининг исми)

Воқеа санаси ва вақти: ______________________
Воқеа жойи манзили: ______________________
Воқеа тўғрисида ____________ туманининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ариза берилган ва _______________________________________________
(мансабдор шахснинг унвони, лавозими, Ф.И.О.)

томонидан юз берган воқеа тўғрисида 20___ йил «___» __________да -сон __________ тузилган.
(ҳужжатнинг тури)

Воқеанинг ҳолати:_______________________________________________
_______________________________________________
_______________________________________________

Воқеа бўйича харажатлар қанча суммага баҳоланади: ______________________
_______________________________________________

Ушбу аризага илова қилинади: ______________________
_______________________________________________
_______________________________________________

Ушбу ҳодиса бўйича мен ишончли ва менга маълум бўлган барча маълумотларни маълум қилдим.

Суғурта қилинувчининг номидан ______ 20__ йил «___» __________
(имзо)

М.Ў.

Ариза қабул қилинди _______________________________________________
(суғурталовчи масъул ходимининг лавозими ва фамилияси)

ҳамда 20__ йил «___» __________да дафтарда ______ рақами билан рўйхатдан ўтказилди.

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 24 июндаги 141-сон қарорига*
*5-ИЛОВА*

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2002 ЙИЛ 27 НОЯБРДАГИ 413-СОН ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН СУҒУРТАЛОВЧИЛАР ВА СУҒУРТА БРОКЕРЛАРИНИНГ СУҒУРТА ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ҚЎШИМЧАЛАР

1. 6-банднинг «а» кичик бандига қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:
«Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида мажбурий суғурта шартномаларини тузиш, жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси)нинг суғурта тўловлари тўғрисидаги талабларини кўриб чиқиш ва суғурта тўловларини амалга ошириш ваколати берилган ўз филиалларига ва бошқа алоҳида бўлинмаларига эга бўлиши — транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилувчи суғурталовчилар учун;
суғурталовчининг Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси билан унга аъзолик тўғрисидаги ёзма битимининг мавжуд бўлиши — транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилувчи суғурталовчилар учун».

2. 9-банднинг «а» кичик бандига қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:
«Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ҳам фаолияти доирасига кирадиган лицензия талабгорлари ушбу кичик бандда кўрсатилган ҳужжатлар билан бирга қўшимча равишда:
суғурталовчининг Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси билан унга аъзолик тўғрисидаги ёзма битимининг нотариал тасдиқланган нусхасини;
суғурталовчининг Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида мажбурий суғурта шартномаларини тузиш, жабрланувчиларнинг суғурта тўловлари тўғрисидаги талабларини кўриб чиқиш ва суғурта тўловларини амалга ошириш ваколати берилган филиаллари ва бошқа алоҳида бўлинмалари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар».

Товар сертифицирован

ГРУППА ГАЗ

ООО «ТД «РУССКИЕ МАШИНЫ»

ООО «AVTOKOMTRANS»

предлагает автомобили семейства «ГАЗ» (Россия)



✓ «ГАЗЕЛЬ»
✓ «СОБОЛЬ»
* борт
* фургон
* автобус
* спецавтотехника
✓ СРЕДНЕТОННАЖНЫЕ АВТОМОБИЛИ

Форма оплата – любая

102-96-00, 109-71-87, 150-20-37, 150-20-38
E-mail: avtokom@sks.uz

РЕКЛАМА



Бизнес П

244 02 01
244 02 40

"Бизнес-панорама. Реклама & ахборот" рукни "Premier-press" реклама агентлиги томонидан тайёрланди. Тел.: 244-02-01, 244-02-40.

# Қалбакилаштирилган дори воситаларидан эҳтиёт бўлинг!

**Қалбакилаштирилган дори воситалари** - бу истеъмолчи саломатлиги учун жиддий хавфдир. Уларда таъсир этувчи моддалар умуман бўлмаслиги ёки аксинча таркибида зарарли, заҳарланиш ва бошқа салбий оқибатларга олиб келадиган моддалар бўлиши мумкин. **Қалбакилаштирилган дори воситаларини** истеъмол қилиш натижасида беморнинг соғлиғи оғирлашса ёки ўлимга олиб келса, у ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарлик ушбу дори воситасини сотган дорихона муассасаси раҳбари зиммасига тушади.

Сўнгги йилларда **қалбакилаштирилган дори воситалари** сони кўпайиб бормоқда, хусусан **"Ринза"** савдо белгиси остидаги қалбаки дорилар ёрқин далилидир.

2006 йилда «Ринза таблеткалари № 10» дори воситасининг **3 та** қалбакилаштирилган нусхаси аниқланган бўлса, 2007 йилда бу кўрсатгич **8 тага** етди. 2008 йилнинг февраль ойида эса қалбакилаштирилган Ринза таблеткаларининг умумий сони **9 тани** ташкил этди. Шунингдек, 5 граммли пакетчалардаги «Ринза СИП» эритилувчи порошок дори воситасининг қалбакилаштирилган **2 та** серияси фош этилди.

Қуйида **қалбакилаштирилган дори воситаларининг** сериялари келтирилган:

«Ринза» таблеткаси №10– серияси **U6198, BT-172, BT-173, 140106, 011205, 01402, R013.**

«Ринза» таблеткаси №4 - **серияси 010807.**

«Ринза СИП» эритувчи порошоги 5 граммли пакетчаларда №5 серияда - **L6137, B-6130 бўлади.**

***Эсингизда тутинг!***

**Қалбакилаштирилган «Ринза» дори воситалари** кутилган самарани бермайди ва соғлиқ учун ўта хавфли. **Қалбаки дори воситасининг** сотилиши натижасида юзага келган барча нохушликлар учун дорихона муассасаси раҳбари жавобгардир.

Дорихоналарда **«Ринза»** дори воситаларини сотиб олишда мувофиқлик сертификати ёки ҳисоб-фактурада кўрсатилган сертификация тўғрисидаги маълумот, шунингдек касса аппарати чекини талаб қилинг. Дори воситаси қутисида кўрсатилган препарат серияси мувофиқлик сертификатида кўрсатилган серияга мослигини текшириб кўринг.

Агарда **«Ринза»** препарати ёрдам бермаса ёки унга нисбатан сизда шубҳа пайдо бўлса, сиз препаратни сотиб олган дорихона муассасаси раҳбарига мурожаат қилинг ёки **«Ринза»** қутисини, касса аппарати чекини «Фармед» ХФга олиб келинг. **Биз қалбакилаштирилган «Ринза» дори воситасини** грипп ҳамда шамоллашда самарали ёрдам берувчи **оригинал «Ринза» препаратига бепул алмаштириб берамиз. Биз сизнинг саломатлигингизни қадрлаймиз!**

*Товар сертификатланган*

**Мурожаат учун «Фармед» хусусий фирмасининг телефонлари: 228-55-00, 228-55-66**

**Эҳтиёт бўлинг: қалбаки дори воситалари!**

www.apteka.uz

САЙТИДАГИ



БАРЧА МАЪЛУМОТЛАР СОҒЛИҚҚА ОИД

## РЕКЛАМА ҲАҚҚОНИЙ АХБОРОТ ТАШИСИН!

***Пойабзал ишлаб чиқарувчи корхонанинг раҳбари маркетинг билан шуғулланувчи икки ходимини Африкага юбориб, «Бизнинг корхона учун янги бозорларни кашф этиб келинглар» дебди. Ходимлар саҳрои кабирга бориб, оёқяланг юрган африкаликларни кўриб қайтишибди. Шунда бир ходим: «Бу ўлкаларда бизнинг маҳсулотлар умуман сотилмайди, чунки уларнинг ҳаммаси пойабзалсиз юришар экан» дебди. Бошқа ходим эса ўзгача хулосани берибди: « Бу ўлкаларда бизнинг маҳсулотлар жуда яхши сотилади, чунки уларнинг ҳаммаси пойабзалсиз юришар экан». Бу самарали маркетинг юритиш ҳақида тўқиб чиқарилган бир ривоят, албатта.***

Маркетинг соҳаси қамраб оладиган масалалар кўлами жуда кенг ва ранг-барангдир. Бу жараён маҳсулотнинг мақбул жиҳозланиши ва безатилиши бўйича тадқиқотлар, нарх-наво масалалари, реклама, маҳсулот сотилгунча ва у сотилгандан кейинги харидорга хизмат кўрсатиш тизими, хуллас ишлаб чиқарувчидан то истеъмолчигача бўлган муносабатни бошқаришни ўз ичига олади. Юқорида айтганимиздек, реклама ҳам ўз навбатида маркетинг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Реклама (лотинча – қичқирмоқ) бу бирор корхона, маҳсулот, хизмат тури, ижтимоий фаолиятнинг бирор турини оммалаштириш мақсадида қилинган ишдир. Реклама муайян корхона ёки ижтимоий фаолиятнинг бирорбир маҳсулотига ёки хизмат турига кенг жамоатчиликнинг эътиборини жалб этади. Яхши ташкил этилган реклама бозор талабини олдиндан кўра билиш ва бозор шароитидан харидорлар оқимини бошқара олиш имконини беради. Шунинг учун «Реклама – савдони ҳаракатга келтирувчи кучдир» деган иборанинг қўлланилиши тасодифий эмас.

Рекламанинг самарадорлиги унинг маълум шартлари амалга оширилгандагина муваффақиятли бўлади, яъни у аниқ ва ҳаққоний, маъноли ва илмий асосланган, кўпроқ ахборотни ўз ичига олган ва юқори дидли, фойдали бўлмоғи лозим. Рекламани товар ишлаб чиқарувчи (хизмат кўрсатувчи) ҳам, сотувчи ҳам амалга ошириши мумкин. Ишлаб чиқарувчи ўз рекламасини ҳар томонлама харидорига қаратади.

Шунингдек, рекламанинг вазифасини, унинг ижодий йўналишини (стратегиясини) пухта аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Авваламбор маҳсулотни ишлаб чиқаришда унинг етарлилигини ҳисобга олиш, маҳсулот захиралари, узлуксиз таъминлаб тура олиш имкониятларини ҳам ҳисобга олиш керак.

Рекламадан янги маҳсулотларни бозорга чиқаришда ҳам фойдаланилади. Бозор конъюнктурасини янги маҳсулотлар билан таъминлаш, сотув, захира, истеъмол ҳақидаги маълумотлар етарли бўлмаган пайтда мутахассислар тўғри йўналишни танлаши учун реклама орқали янги таклиф тузадилар. Унда маҳсулотларнинг тавсия этиладиган хусусиятлари ва ишлаб чиқаришнинг келажаги, аҳоли талабини кўра билиш, синовга чиқарилган маҳсулотга харидорнинг муносабатини кузатиш ҳақидаги маълумотлар ўрин олади. Рекламанинг бевосита ёки билвосита ёрдамида корхонанинг бозордаги ўрни мустаҳкамланади, унинг таклиф этаётган маҳсулотларини сотиш жадаллашади. Реклама маълумотлари янгилиги, кутилмаганлиги, ҳиссий таъсири билан ажралиб туриши керак. Бундан ташқари маҳсулотнинг харидор эътиборидан четда қолган хусусиятларини кўрсата олиши керак. Айниқса, маҳсулотнинг бозорга кириб келиши ва уларни узоқ вақт сотиш босқичида реклама жуда зарур. Реклама харидорни бозорда маълум ҳаракатга чақиради, хизмат ва маҳсулотнинг харид қилиниш шароитида уларнинг сифати ва мақсади ҳақида ҳикоя қилади. Муайян хабарнинг ҳар хил ахборот воситалари ва турлича бадиий шаклларда қайта-қайта такрорланиши кўпчиликни шу маҳсулотни сотиб олишга ундайди.

Реклама таъсири асосида икки элемент ётади – ахборот бериш ва ишонтириш. Ишонтириш «кўндириш» элементи рекламанинг сабабий вазифасини акс эттирса, ахборот бериш – билиб олишни акс эттиради. Улар бир вақтнинг ўзида таъсир этар экан, рекламанинг ютуғини таъминлайди. Тўғри, реклама харидорга ҳар хил таъсир этади. Баъзида одамлар товарни дарҳол сотиб олишса, бошқа бир вақтда аксинча, маҳсулот ҳақида етарлича маълумот тўплангач харид қилишади.

Ривожланган мамлакатларда реклама фаолияти бутун бир саноатдир. Реклама фаолияти билан махсус реклама агентликлари шуғулланади. Улар корхона ва ташкилотлар буюртмаси бўйича реклама соҳасида ишлаб, унинг самарадорлигини ошириш, маълум реклама буюртмаларини бажаришга ҳаракат қилишади. Рекламага қилинган харажатлар кўп ҳолларда маҳсулот нархининг тенг ярмига яқинини ташкил қилади.

Бугунги кунда реклама фаолияти самарадорлигини ошириш учун барча шароитлар мавжуд: маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаймоқда, бозор муносабатлари ривожланиб, ишлаб чиқариш ва бозор тузилмасидан монополистик мавқега чек қўйилаётир, рақобат муҳити яратилмоқда. Хулоса қилиб айтганда, маркетинг муҳити мавжуд бўлган бозор иқтисодиёти шароитида рекламани юқоридагиларни инобатга олган ҳолда бошқариш катта маҳоратни талаб қилади.

***Азизбек ҲАКИМОВ,***
***Тошкент Давлат иқтисодиёт университети***
***3-босқич талабаси.***

## “ЕВРОМЕТАЛ-ОСИЁ” ҚК

**ХАЛҚА, ШЕСТИГРАННИК**
Д = 10-250 мм, ст.3, 65Г, 20-45, 20Х-45Х, 40ХФА, 45ХН2МФА, 30ХГСА ва бошқалар

**Г/К, Х/К ва рифелланган ТУНУКА**
ст. 3сп5 2,5-3-4-5-6-8-10-12 мм, 4-рифл ст. 08КП 0,5-0,6 мм, ст.60С2 А 4-5 мм

**ЗАНГЛАМАЙДИГАН**
Қувурлар: 25х2,0, 57х3,0 ст. 12Х18Н10Т.
Тунука: 1-1,5-2-3-4-5-6-8-10-12-16 мм ст. 12Х17, ст. 08Х18Н10, ст. 12Х18Н10Т

**РУЛОНЛИ ТАСМА**
ст. У8Г 0,9х0,326-Р

**ЦЕМЕНТ – М400 ҚОПЛАРДА**
(ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ маҳсулоти)

**МЕТАЛЛ ПРОКАТИДАН МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ВА БУЮМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**

Товар сертификатланган

**Тошкент ш.даги омборда Россия, Украина ва Қозоғистон металл маҳсулотларининг кенг ассортименти доим мавжуд**

Тошкент ш., Бобур кўч., 87/1Б. Тел./факс: (99871) 255-76-74, 254-94-95 (ф.).
E-mail: vklim_70@mail.ru

pr_8-23-01

## Rutrans & Partners

Голландиянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси

DICKIES компаниясининг Ўзбекистондаги расмий вакили



*Ишчи ва махсус кийим*

*Ишчи ва махсус пойабзал*

*Ёнғинга қарши ускуналар*

*Махсус кийим аксессуарлари*

*Шланглар ва бутловчи қисмлар*

Товар сертификатланган

pr_7-50-01

Манзил: Тошкент ш., Юнусобод тумани, Ниёзбек йўли кўч., 1, 4-қават, 11-хона.
www.rutransenpartners.com
e-mail: by.rutransenpartners@rambler.ru
Тел.: (+99890) 325-6043 (99871) 234-1843

## O’ZKABEL

товар сертификатланган

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ КАБЕЛЬ-ЎТКАЗГИЧ МАҲСУЛОТИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЭНГ ЙИРИК ЗАВОД**



**КЕНГ АССОРТИМЕНТ**
**100% лик СИФАТ КАФОЛАТИ**

“Ўзкабель” ОАЖ ҚК. Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100041, Ф.Хўжаев кўч., 2
Тел./факс: (+99871) 262 02 86, 262 13 33
marketing@uzkabel.uz www.uzkabel.uz

## Тошкентдаги омбордан ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ

Товар сертификатланган

**“ТЙКМ” МЧЖ улгуржи савдоси**

Цемент (Оҳангарон) ва Алебастр (Бухоро) - қопларда.
Шлакоблоклар. Қуруқ қурилиш аралашмалари.
Ёриткичлар ЛПО 2х40, 1х40. Шар 300 ва б.
Лампалар ЛД-40. Автоматлар 1 фазали ва 3 фазали
Гидравлик насослар. Гидроцилиндрлар.
Ишчи халат ва костюмлар, қўлқоплар.

pr_8-27-01

Манзил: Олтин водий кўч., 29 (Венгерская). Мўлжал: аэропорт, Полевая кўч.,
Тел.: 250-83-86, 131-25-01, 441-79-73

## SetKom ВИДЕОКУЗАТУВ ТИЗИМЛАРИ

Лойиҳа • Етказиб бериш • Монтаж • Ишга тушириш-созлаш • Тех. кузатув • Профилактика • Таъмирлаш

**Тел.: 212-53-53, 212-55-55. Факс 234-88-77**

## МДҲдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ

**АНДИЖОН КАБЕЛЬ ЗАВОДИ**



ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

TÜV CERT EN ISO 9001

**РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ**

Тошкент ш., М.Жалил кўч., 92. Тел.: 150-11-77 (кўптармоқли),150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

## “DIMUS” МЧЖ таклиф этади:

## БАРЧАСИ БЕТОН УЧУН

1. "Полипласт" (Россия) компаниясидан БЕТОН УЧУН АРАЛАШМАЛАР

*Суперпластификаторлар, музламайдиган мустаҳкамликни оширувчи моддалар, бетон модификаторлари.*

1. 20%гача цемент тежалади
2. 30%гача буғ ва электр энергияси тежалади
3. 40%гача шакллар айланиши
4. 30%гача бетон хусусияти ошади

2. ҚУРИЛИШ ВИБРАТОРЛАРИ

1. Чуқурлари ИВ 117А, ИВ 116А, ИВ 75
2. Умумий фойдаланишда ИВ 98Б, ИВ 99Б, ИВ 107 ва ҳ.к.

3. БЕТОН АРАЛАШТИРУВЧИ ВА ҚОРИШМА АРАЛАШТИРУВЧИ

1. Бетон идишлари СБР 150, 250, 500
2. Қоришма идишлари РН 150, 300
3. Суваш станциялари
4. Мослашувчан бетон ускуналари СБР 800, 1200

Буюртмага аоооан 30042

**Тел.: 250-8959, 250-1230, 104-9096**
Тошкент ш., Қушбеги кўч., 8 www.dimus.uz



## УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ РЕСТОРАН ТАНЛАНГ

**www. restoran.uz**



Иқтисодий-ҳуқуқий газета
**НОРМА МАСЛАҲАТЧИ**
СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

ТАЪСИСЧИ “Norma Hamkor” МЧЖ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100000, Тошкент ш.,
Ҳ.Олимжон майд., 10а.
E-mail: sbxaxbor@mail.ru

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

*Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи-назарига мос келавермайди. Чоп этилган тавсиялар, тушунтиришлар, жумлалар, фактлар, статистик маълумотлар, реклама эълонларининг аниқлигига жавобгарлик материал муаллифи зиммасига юкланади.*

*Таҳририят огоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун таҳририят жавобгар эмас. Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.*

*"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.*

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида “O`zbekiston” нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди (Тошкент ш., А.Навоий кўч., 30).
Буюртма J5716. Адади 5710. Баҳоси келишилган нархда
***Газета 2008 йил 31 июлда соат 17.30 да топширилди.***